

**ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙТАЪЛИМТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШБОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИОШИРИШТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Тиббий биологик фанлардаги илмий-  
услубий янгилик ва ютуқлар”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ–УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент -2019**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** ТТА, Анатомия, клиник анатомия кафедраси мудирини, т.ф.д., профессор **Усмонов Р. Д.**  
ТТА, Анатомия, клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчи **Гулманов И. Д.**

**Тақризчилар:** ТТА Анатомия, клиник анатомия кафедраси профессори, т.ф.д. **Н.Х.Шомирзаев.**

Тошкент Давлат стоматология институти  
Физиология, патофизиология, микробиология ва  
фармакология кафедраси профессори, т.ф.д.  
**И.М.Мухамедов.**

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли қарори билан тасдиққатавсия қилинган.

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	23
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	35
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	51
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	90
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	95
VII. ГЛОССАРИЙ .....	97
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	103

## **I. ИШЧИ ДАСТУР.**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган қатъий ислохотлар мазмунини очиқ беришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулартаълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни жамият ривожига ватаълим –тарбия жараёнининг инновацион масалалари, олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизда илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари ни қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига камраб олади.

### **1. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари.**

1. 1. Жамият ривожига ватаълим –тарбия жараёнининг инновацион масалалари.

1. 2.таълим -тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик ҳужжатлари.

### **2. Илғортаълимтехнологиялари ва педагогик маҳорат.**

2. 1. Педагогнингинновационфаолиятини ривожлантириш.

2. 2. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш.

### **3. Таълимжараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.**

3. 1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3. 2. Тиббиётда рақамли трансформация.

### **4. Амалий хорижий тил.**

4. 1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

4. 2. Педагог маҳорати ва компетентлиги шаклланишида амалий хорижий тил аҳамияти.

### **5. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари.**

5. 1. Олийтаълимжараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий тенденциялари.

5. 2. Далилларга асосланган тиббиёт.

### **6. Махсус фанлар.**

6. 1. Тиббий биологик фундаментал фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар.

6. 2. Тиббий биологик фанлардаги илмий-услубий янгиликлар ва ютуқлар.

### **7. Малакавий аттестация.**

## **Курснингмақсади вавазифалари.**

Олийтаълиммуасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

- “Тиббий-биологик” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

– “Тиббий-биологик” йўналишида қайта тайёрлаш ва малакаоширишжараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим,кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Жамият ривожини ватаълим-тарбия жараёнинингинновационмасалалари”, “таълим -тарбия жараёнларини ташкилэтишнинг қонунчилик хужжатлари”, “Илғортаълимтехнологиялари ва педагогик маҳорат”, “таълимжараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Олийтаълимжараёнини бошқаришдатизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий тенденциялари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим,кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълимсоҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасиниоширишмазмуни,сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчиларқуйидаги янги билим,кўникма,малака ҳамда компетенцияларгаэга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- тиббий-биологик йўналиши фанининг асосий назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқларини,муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини;
- тиббий биологик фанларнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини;
- тиббий-биологик йўналиши соҳасидаги инновацияларни ватаълимтехнологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг назарий ва амалий асосларини;
- тиббий-биологиксоҳасидаги мутахассисларга қўйиладиган замонавий талабларни;
- касалликлар ривожланиш босқичларининг тиббий-биологик хусусиятларини;
- касалликларни ташхислаш ва даволаш жараёнларида тиббий-биологик фанлар ютуқларининг аҳамиятини;
- тиббий-биологик йўналишидаги стандарт ваинновационтекшириш усулларининг касалликлар профилактикасидаги моҳиятини билиши керак.

**Тингловчи:**

- тиббий-биологик йўналиши фанларини ўқитишда илғортаълимтехнологияларидан самаралифойдаланиш;

- касалликривожланишинунқтаи назаридан патологик босқичларни таҳлил қилишда тиббий-биологик фанлар ютуқларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш;
- касалликларнинг социал-демографик муаммоларини ҳал қилишда тиббий-биологик йўналишларидан фойдаланиш;
- диагностика, даволаш ва профилактика масалаларида тиббий-биологик фанларининг замонавий усулларини самарали қўллаш;
- замонавий тиббиётнинг ижтимоий аҳамиятли соҳаларида тиббий-биологик ва клиник фанлар интеграциясига асосланган муҳим тадбирларни ташкиллаштириш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- тиббий-биологик йўналиши соҳасида замонавий диагностика усулларидан фойдаланиш ;
- тиббий-биологик йўналиши соҳаларида касалликларнинг кечиш динамикасини аниқлаш;
- касалликларни даволашда тиббий-биологик йўналишидаги замонавий юқори самарали технологияларни қўллаш;
- касалликлар профилактикасида тиббий-биологик йўналиши ўрни;
- тиббий-биологик йўналиши фанларини ўқитишда муаммоли педагогик вазиятларга инновацион ёндашиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- тиббий-биологик йўналиши нуқтаи назаридан касалликларни ташхислаш ва даволашда илғор хорижий тажрибаларни амалиётда қўллаш;
- шошилиш ҳолатларда тез ёрдам кўрсатишнинг тиббий-биологик асоси ҳақидаги;
- каминвазив ташхислаш ва даволаш усулларини қўллашнинг тиббий-биологик жиҳатлари ҳақидаги;
- мамлакат, аҳоли, регион, географик, иқлим, беморлар жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши каби кўрсаткичларни таҳлил қилиш, қайта ишлашда тиббий биологик фанлар методологияларини қўллай олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

#### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

# “ТИББИЙ-БИОЛОГИК” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАОШИРИШКУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

## 1. ОЛИЙТАЪЛИМ НИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### 1.1. Жамият ривожининг янгича назарий-концептуал асослари. Давлат ва жамият ривожланиши ни янада такомиллаштириш стратегияси: асосий йўналишлари ва янгича шакллари. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар.

Жамият ривожининг янгича назарий-концептуал асослари. Давлат ва жамият ривожланиши ни янада такомиллаштириш стратегияси: асосий йўналишлари ва янгича шакллари. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар.

Халқ билан мулоқот. Давлат идораларининг халққа хизмат қилиши зарурлиги. Давлат хизмати агентлиги, унинг бошқарувдаги афзалликлари ва самарадорлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан янги босқичга кўтариш истиқболлари ҳақидаги фикрлари.

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари ва инсон капиталини ривожлантириш масалалари. Таълим-тарбия ривожини – жамиятни модернизациялашнинг, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омил сифатида.

### 1.2. Таълим -тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик ҳужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Қонун тушунчаси ва унинг турлари. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таълим соҳасига оид меъёрлар ва уларнинг кафолатлари.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш.

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва фандастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.



Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. таълиммуассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

БМТ нинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари.

## **2. ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ**

### **2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.**

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. таълим, тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи усуллар асосида ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқаришнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Замонавий таълим технологияларининг турлари. инновацион таълим да илғор хорижий тажрибалар интеграцияси.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: интерфаол таълим методлари, кейс-стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагог касбий-инновацион компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришига акмеологик ёндашув. Акмеологик ривожланиш даражалари: концептуал, технологик, рефлексив, креатив ва инновацион даража.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

### **2.2. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш.**

Тиббиёт таълим муассасалари ўқитувчилари тадқиқотчилик компетентлиги. Тадқиқотчилик компонентларини такомиллаштириш даражасининг асосий тавсифи. Тиббий таълим педагоглари тадқиқотчилик фаолиятининг когнитив компонентлари асослари.

Нашр қилинган ишларда статистик таҳлил натижаларини тақдим этишнинг замонавий халқаро тамойилларини.

Тиббий маълумотлар базасини статистик қайта ишлаш. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантиришнинг асосий коидаларини шакллантириш. Тиббиётда қўлланувчи ўлчов шкаллари.

Олинадиган экспериментал маълумотларнинг ўзига хослиги. Статистик қайта ишлаш учун тиббий маълумотлар базасини ташкил этиш. Тадқиқот натижаларини қайта ишловдан ўтказиш учун классификация ва адекват статистик мезонларни танлаб олиш. Статистик ишлов натижаларини интерпретация қилиш.

Тиббиёт тадқиқотлар режаси асосий қоидалари. Дастлабки маълумотларни олиш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар тавсифи. Маълумотларни классификация қилиш ва статистик қайта ишлашнинг асосий усуллари қўллаш.

Тиббийтаълимпедагоглари процессуал фаолияти компоненти. Малакани эгалаш. Тиббий тадқиқотни режалаштириш. Нашр қилинган ишларда тадқиқот натижаларини тақдим этиш. Илмий тадқиқотчилик ишларида келиб чиқадиган муаммоларни таҳлил этиш. Олинган маълумотлар юзасидан фикрлай олиш ва хулосалар чиқариш. Ўз тадқиқот натижаларини оммага тақдим этиш.

### **3.ТАЪЛИМЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

#### **3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълимжараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахсинг таълим тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. ЛМС тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Веб-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълимжараёнида фойдаланиш. Булутли технологиялар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMediaStudio, SouresLab, iSpringSuite, HotPotatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

#### **3.2. Тиббиётда рақамли трансформация**

Тиббиётда рақамли ахборот ҳақида тушунча. Тиббий маълумотлар: уларни тўплаш, сақлаш ва ишлатишда рақамли технологиялар. Тиббиётда қарор қабул қилишнинг технологик трансформацияси. Беморларни электрон рўйхатга олиш тизимлари. Соғлиқни сақлаш ахборот тузилмаси. Соғлиқни сақлаш ташкилотларида ахборотларни бошқариш. Ахборот технологиялари воситаларини тиббиётда қўлланилиши.

Тиббиётда янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш. Замонавий ахборот технологияларини тиббий жараёнларга қўллаш натижасида иш фаолиятини сифатини ошириш ва автоматлаштириш. Тиббий текширув жараёнларида олинган натижаларни ахборот технологиялари ёрдамида қайта ишлаш, статистик анализ қилиш.

Интерактив симуляторлардан тиббийтаълим ни ташкил этишда фойдаланиш . Ахборот технологияларни қўллаган ҳолда тиббиёт соҳасида аҳолига интерактив хизматлар кўрсатиш. Тиббиёт соҳасида олинган маълумотлар базасини ахборот технологиялар ёрдамидатаълимтизимига интеграция қилиш.

#### **4. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш . Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордиқ, телефонда суҳбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ватаълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

#### **5. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ**

##### **5.1. Олийтаълимжараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий тенденциялари.**

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олийтаълимтизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил методлари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қуйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш.

##### **5.2. Далилларга асосланган тиббиёт.**

Даллиларга асосланган тиббиётни замонавий тиббиётда ўрни. Тиббийтадқиқотларни асосийдизайнлари. Илмий тадқиқот деб очаси. Илмий тадқиқот асосий категориялар ва тушунчалар. Клиник тадқиқотлар босқичлари, клиник тадқиқот усуллари классификацияси. Ёзма, аналитик тадқиқот усуллари. Клиник – экспериментал тадқиқотлар. РКИ, Систематик шарҳ ва мета-таҳлил. Рандомизирланган тадқиқотларнинг олиб бориш усуллари. Таъсир этиш. Солиштириш. Тадқиқотларни олиб боришда “ниқоблаш” усулини қўллаш. Ниқоблаш усуллари. Систематик шарҳлар тузишнинг босқичлари, мақсади. Натижаларни баҳолаш усуллари аниқлаш. Олтин стандарт. Асосланганлик даражаси ва тавсиялар пирамидаси. Интернетдан ишончли ахборотларни қидириш. Клиник протоколлар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш. Педагогик ўқув жараёнида муаммоли ўқитишни тиббиёт мактабларидаривожланиши, клиник муаммоларни яратиш ва далилларга асосланган маълумотларга асосланиш. Клиник қўлланмалар таҳлили. Касалликлар скрининги. Профилактика ва скрининг. Профилактика даражалари. Бирламчи, иккиламчи, учламчи профилактика. Даврий текширувлар мақсади. Замонавий таълим тизимида ДАТни ўрни ва интеграцияси.

## **6. МАХСУС ФАНЛАР**

### **6.1. Тиббий биологик фундаментал фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар.**

Тиббий биологик фанларнинг асосий мақсади.

Тиббий биологик фанларни клиник фанлар билан интеграциялаган ҳолда ўқитиш асослари. Касаллик (нозологик шакл ёки бирлик), синдром, симптом тушунчаларининг тиббий-биологик фанлар миқёсидаги аҳамияти.

Онтогенез, ёшга оид анатомия, нормал анатомиянинг макроскопик ва микроскопик хусусиятлари. Анатомияни ўрганишда замонавий визуализацион услублар аҳамияти.

Умумий, хусусий (махсус), қиёсий, эволюцион физиология. Одам физиологияси. Меҳнат, спорт, овқатланиш, ёшга оид одам физиологиянинг касалликларни олдини олишда, даволашда, беморлар реабилитациясида тутган ўрни.

Нормал, патологик ва клиник физиологияни ўқитишнинг замонавий усуллари.

Умумий ва хусусий (махсус) патологик анатомия. Патологоанатомик амалиёт. Алтератив жараёнлар, мослашиш ва компенсация жараёнлари, дисциркулятор жараёнлар, яллиғланиш, иммунопатологик жараёнлар, терминал ҳолатлар, тўқима ва аъзоларнинг ривожланиш нуқсонлари, ўсмалар (неопластик жараёнлар). Патологик анатомияда текшириш услублари: аутопсия, биопсия, микроскопия, молекуляр-биологик услублар (оқимли цитофлюориметрия, инситу гибридизация, полимераз занжирли реакция, микродиссекция, қўшалок ёки учталиқ тамға).

Цитология,эмбриология,умумий ва хусусий (махсус) гистология. Цито- ва гистогенез қонуниятлари,хужайра,тўқима ва аъзолар,уларнинг дифференцировкаси ва регенерацияси,ёшга оид ўзгаришлари,морфогенези,биологик,кимёвий,физик ва бошқа ташқи таъсирларга реакцияси,эволюцион динамикасини ўрганишда замонавий фан ютуқлариданфойдаланиш . Гистологияни ўрганишда физика,кимё,математика,генетика,биология,молекуляр биология,биокимё,ген инженерияси ютуқларига асосланиш аҳамияти.

Генетика ва селекция. Биотехнология ва генетика. Генетика ва тиббиёт. Ирсий касалликлар. Генетика ва экология.

Ген мутациялари. Репликация,репарация,рекомбинация ва мутацион жараён.

Биологик кимё. Статик,динамик,функционал биокимё. Ўсимликлар,хайвонлар,микроорганизмлар ва одам биокимёси. Ферментология.

Нормал ва патологик ҳолатларда организм ҳаёт фаолияти негизда турувчи биокимёвий жараёнларнинг молекуляр асосларини ўрганишнинг замонавий услублари.

Умумий,тиббий,саноат,геологик,ветеринар,қишлоқ-хўжалик микробиологияси. Микроорганизмларни микроскопик,биологик,културал,молекуляр-генетик,серологик текширишда замонавий технологиялар,асбоб-ускуналар қўлланилиши.

Иммунология,клиник иммунология,аллергология. Иммунитет танқислиги касалликлари,иммунопрофилактика,трансплантация,вакцинация масалалари.

Суд тиббиёти. Тирик шахслар экспертизаси,суд тиббий танатология,гистология,травматология,токсикология,биология,цитология,генетика,криминалистика ва суд тиббий психиатриянинг мақсад ва вазифалари.

Тиббий кимё. Белгиланган биологик фаоллик турига эга дори воситалари, дори препаратлари таъсирининг молекуляр механизмларининг кимёвий жиҳатлари,кимёвий структура ва физиологик фаоллик орасидаги боғлиқлик.

Фармакология: фармакодинамика ва фармакокинетикани ўрганиш услублари. Фармакоэпидемиология. Фармация. Биокимёвий фармакология. Клиник фармакология. Молекуляр фармакология. Фармакогеномика. Экспериментал фармакология.

Биофизика,биомеханика,тиббий физика мақсад ва вазифалари.

Топографик анатомияни ўрганиш усуллари: голотопия,скелетотопия,синтопия,КТ,МРТ,МСКТ,рентгенологик текширувлар,доплерография,УТГ. Топик ташхис ва status localis тушунчаларининг клиникадаги аҳамияти.

Оператив хирургияда қўлга киритилган ютуқлар: замонавий миниинвазив операциялар,роботлаштирилган операция

хоналари, микрохирургия, трансплантация келажаги. Соҳа, аъзо, тўқима тури, жойлашишига боғлиқ ҳолда оператив очиб кириш усуллари тизимининг операция натижасига ва бутун организмга таъсири.

Ахборот технологиялари. Коммуникацион тармоқли ахборот технологиялари. Илмий ахборотларни излашда ихтисослаштирилган тизимлар. Матнли маълумотлар билан ишлаш технологияси. Интеллектуал технологиялар. Структурланган ахборотларни сақлаш ва таҳлил қилиш. Маълумотларни визуализациялаш технологиялари. Ментал карталар. Маълумотларни муҳофаза қилиш технологиялари. Биологик эксперимент натижаларини математик қайта ишлаш. Ахборот технологияларининг техник, дастурий, услубий, математик, ҳуқуқий, лингвистик, ахборот таъминоти.

Тиббий-биологик фанларининг мазмун ва моҳиятини ўз ичига камраб олган мавзуларни шакллантириш, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш усуллари жорий қилиш, тиббий-биологик фанларига оид мавзуларнинг клиник фанлар мавзуларини ўрганишдаги аҳамиятини кўрсатиш.

Тиббий-биологик фанларини ўрганишда изчиллик, таҳлилий ёндашиш, фикрларни мантикий тарзда баён қилиш, мустақиллик кўникмалари.

## **6.2. Тиббий биологик фанлардаги илмий-услубий янгиликлар ва ютуқлар.**

Тиббий-биологик фанлар доирасида жаҳон миқёсида ва Ўзбекистон Республикасида эришилган ютуқлар.

Табиий ва сунъий, лаборатор ва ишлаб чиқариш экспериментлари. Маълумотларни қайта ишлаш усуллари. Далилларга асосланган тиббий текширувлар моҳияти.

QSAP/QSPR («Quantative StructureActivityRelationship/Quantative Structure PropertyRelationship») услублари, АДМЕТ технологияси. *in vivo*, *in vitro* ва *in silico* текшириш услублари.

Нанотиббийёт. Сунъий кўз тўр пардаси. Бионик кўз. Нейтрон микроскоп. Сунъий хромосома. Сунъий компонентлардан тузилган ДНК. Пулсациялаш қобилиятига эга сунъий томир протезлари. Сунъий ДНКли тирик хужайра – синтетик бактериал хужайра – Синтия. Сунъий рибосома.

Эмбрионал ва етук тўқималардан олинган ўзак хужайралар. SRISPR иммунтизимининг аниқланиши. Ёшлик эликсири (қондаги GDF11 омил). iLIMB бионик қўл.

Фикр кучи билан бошқариладиган биопротез. Мияда хотирани ёзиш ва қайта ёзиш. Биологик мияга эга робот. Сунъий юрак AbioCor. Биосунъий жигар. Сунъий бачадон. Камерали таблеткалар. Чўчка ва одамнинг биринчи гибриди – химера.

Антивирус ва антимикроб ҳоссасига эга “Урумин” препарати. Хромосом терапия.

Тиббий-биологикфанларини ўқитишда замонавий лаборатор-инструментал текширув технологиялардан фойдаланиш. Биологик,гистологик,анатомик,визуализацион,биокимёвий,генетик,молекуляр,функционал текшириш услублари методологияси.

## **7. ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТ**

Қайта тайёрлаш ва малакаоширишкурсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш,ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолдаамалгаоширилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар,кейслар,ўқув лойиҳалари,технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавийтаълимуслублари ваинновационтехнологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари,мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан,электрон ресурслардан,тарқатма материалларданфойдалаништавсия этилади.

### **Мустақилтаълим ни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақилтаълимқайта тайёрлаш ва малакаоширишкурсларинингмасофавийтаълимтизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларини мустақил равишда ўзлаштириш шаклидаамалга оширилади. Шунингдек,мустақилтаълимжараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио”тизимигакиритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар,тегишли соҳа бўйича илмий журналлар,Интернет ресурслари,мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **8. АДАБИЁТЛАР**

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т. :“Ўзбекистон”,2011.
2. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т. : “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз– Т. : “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т. : Ўзбекистон,2019.

2. Ўзбекистон Республикасининг “ таълимтўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олийтаълиммуассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизиминиянада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олийтаълиммуассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизиминиянада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олийтаълим тизиминиянада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш да иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олийтаълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизиминиянада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.



## Махсус адабиётлар

1. Айзман Р. И. Проблемы подготовки преподавателя ОБЖ и пути их решения // Вестник НГПУ. - 2014. - №5. - С. 9-19.
2. Государев И. Б. К вопросу о терминологии электронного обучения. Человек и образование. №1 (42) 2015, стр. 180-183.
3. ЁрматовҒ. Ё, О. Р. Юлдашев “Ҳаётфаолияти хавфсизлиги”. Т. “Алоқачи” 2018.
4. Жорина Л. В. Частная медицинская вирусология: моногр. . - М. : Феникс, 2007. - 208 с.
5. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г. М., Бочкова Р. В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Дашков и К, 2018. - 304 с.
6. Ишмухамедов Р. Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т. : “Нихол” нашриёти, 2013, 2016. – 279 б.
7. Каримова В. А., Зайнутдинова М. Б. Информационные системы. – Т. : Алоқачи, 2017. - 256 стр.
8. Каримова В. А., Зайнутдинова М. Б., Назирова Э. Ш., Садиқова Ш. Ш. Тизимли таҳлил асослари. – Т. : Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти”, 2014. – 192 б.
9. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В. В., Круглова Ю. Г. - 3-е изд. – М. : “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012. – 319 с.
10. Новиков, В. Е. Мотивация – ключевой фактор академической дисциплины и успеваемости студентов [Текст] / В. Е. Новиков // Фармация и общественное здоровье: сборник статей. – Екатеринбург, 2011. – С. 196-198.
11. Новиков, В. Е. Нравственное воспитание в медицинском образовании в современных условиях [Текст] / В. Е. Новиков, Е. В. Пожилова, Е. И. Климкина // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. – 2014. – Т. 13, № 1. – С. 76-78.
12. Новиков, В. Е. Фармакология. Практикум для самостоятельной работы студентов фармацевтического факультета. Часть I [Текст]: учебно-методическое пособие для студентов / В. Е. Новиков, О. С. Левченкова, Л. А. Ковалева. – Смоленск: СГМА, 2013. – 80 с.
13. Основы медицинских знаний: учеб, пособие / сост. : Р. И. Айзман, В. Г. Бубнов, В. Б. Рубанович, М. А. Суботялов. - Новосибирск: АРТА, 2011. - 224 с.
14. Особенности преподавания медико-биологических дисциплин в подготовке психологов [Текст] / Л. К. Антропова, Г. Я. Двуреченская, Л. А. Козлова [и др. ] // Медицина и образование в Сибири. – 2010. – № 3. – С. 8.
15. Платонов И. А. Необходимость средств технической поддержки дидактического материала на лекции [Текст] / И. А. Платонов, В. Е. Новиков // Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – Смоленск: СГМА, 2011. – С. 15-16.

16. Платонов, И. А. Лекция как экспертный обзор современных знаний [Текст] / И. А. Платонов, В. Е. Новиков // Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – Смоленск: СГМА, 2007. – С. 15-16.
17. Престиж профессии врача и нравственное воспитание современного студента [Текст] / О. С. Левченкова [и др. ] // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. Специальный выпуск. Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – 2014. – С. 156-159.
18. Соколов, Е. А. Психолого-педагогические основы профессиональной подготовки специалиста в высшей школе [Текст]: учебник / Е. А. Соколов. – Новосибирск: НГИ, 2004. – 464 с.
19. Управление в высшей школе: опыт, тенденции, перспективы: аналитический доклад [Текст] / В. М. Филиппов, Б. П. Агранович, В. М. Кутузов [и др. ] // Руководитель авторского коллектива В. М. Филиппов. – М. : Логос, 2005. – 540 с.
20. Юсупбеков Н. Р., Алиев Р. А., Алиев Р. Р., Юсупбеков А. Н. Бошқаришнинг интеллектуал тизимлари ва қарор қабул қилиш. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИИ, 2015. - 572б.
21. Cimini, Domenico, Marzano, Frank S., Visconti, Guido, Applications for Climate, Meteorology and Civil Protection. 2007.
22. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Vook 1, 2.
23. John Tiyefenbacher, Approaches to disaster management-examining the implications of hazards, yemercencies and disasters. 2011.
24. Larry Biyelawski David Metcalf Blended eLearning: Integrating Knowledge, Performance, Support, and Online Learning, 2003 by HRD Press, Inc.
25. Mark A Friyend, James P Kohn, Fundamentals of Occupational Safety and Health. 2015.
26. Means, B., Toyama, Y., Murphy, R., Bakia, M., & Jones, K. (2010, September). Evaluation of Evidence-Based Practices in Online Learning: A Meta-Analysis and Review of Online Learning Studies.
27. Nataliye Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.
28. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
29. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing – ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
3. <https://ziyonet.uz/>
4. <https://meduniver.com/>
5. <https://www.udemy.com/ru/>

6. <https://www.adaptlearning.org/>
7. <https://ru.khanacademy.org/>
8. <https://codecombat.com/>
9. <https://blendedlearning.pro/>
10. <https://www.ispring.ru/>

**Модул бўйича соатлар тақсимоти.**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустиқилтаълим
			жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
<b>Назарий қисм(маърузалар)</b>							
1.	Тиббий-биологик фанлар доирасида жаҳон миқёсида эришилган ютуқлар.			2			
2.	Ўзбекистон Республикасида фундаментал фанлар муаммолари ва қўлга киритилган натижалар.			2			
3.	Фундаментал фанлар ва фундаментал тиббиёт.			2			
	<b>Жами</b>	<b>6</b>		<b>6</b>			
<b>Кўчма машғулот</b>							
1.	Тиббий-биологик фанларини ўқитишда замонавий лаборатор-инструментал текширув технологиялардан фойдаланиш .					4	
2.	Биологик, гистологик, анатомик, визуализацион, биокимёвий, генетик, молекуляр, функционал текшириш услублари методологияси.					4	
	<b>Жами</b>	<b>8</b>				<b>8</b>	
<b>Амалий машғулотлар</b>							
<i>Анатомия</i>							
1.	Фундаментал тадқиқотларда маълумотларни қайта ишлаш усуллари.				2		
2.	Тиббий-биологик илмий тадқиқотларда QSAP/QSPR услублари, АДМЕТ технологияси, <i>in vivo</i> , <i>in vitro</i> ва <i>in silico</i> текшириш услублари моҳияти.				2		
3.	Тиббий-биологик фанлар доирасида эришилган ютуқлар аҳамияти.				2		
4.	Табиий ва сунъий, лаборатор ва ишлаб чиқариш экспериментлари.				4		
	<b>Жами</b>	<b>10</b>			<b>10</b>		

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу: Тиббий-биологик фанлар доирасида жаҳон миқёсида эришилган ютуқлар.**

Тиббий биологик фанлар ривожланиш босқичлари. Тиббий биологик фанлар тадқиқотлари йўналишлари. Бутун дунёда фундаментал фанлар доирасида қўлга киритилган ютуқлар.

### **2-мавзу: Ўзбекистон Республикасида фундаментал фанлар муаммолари ва қўлга киритилган натижалар.**

Ўзбекистон тиббиётининг ривожланиш тарихи. Ўзбекистонда тиббий биологик фанлар тараққиёт босқичлари. Ўзбекистонда фундаментал фанлар ютуқларининг амалий тиббитдаги ўрни.

### **3-мавзу: Фундаментал фанлар ва фундаментал тиббиёт.**

Фундаментал фанлар мазму ва моҳияти. Фундаментал фанларнинг тиббиётда тутган ўрни. Фундаментал тадқиқотларнинг муаммолари ва масалалари. Фундаментал тиббиёт ютуқлари.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-амалий машғулот:**

**Фундаментал тадқиқотларда маълумотларни қайта ишлаш усуллари.** Илмий тадқиқотлар турлари ва усуллари. Тадқиқот натижаларини қайта ишлаш усуллари.

### **2-амалий машғулот:**

**Тиббий-биологик илмий тадқиқотларда QSAP/QSPR услублари, АДМЕТ технологияси, *in vivo*, *in vitro* ва *in silico* текшириш услублари моҳияти.**

Замонавий тиббий биологик тадқиқотларда эришилган ютуқларнинг аҳамияти. Тиббий биологик фанлар доирасида қўлга киритилган муваффақиятларнинг тиббиёт илми ривожланишидаги ўрни.

### **3-амалий машғулот:**

**Тиббий-биологик фанлар доирасида эришилган ютуқлар аҳамияти.** Тиббий биологик фанларнинг тиббиёт илмидаги етакчи роли. Фундаментал тадқиқотлар натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши.

### **4-амалий машғулот:**

**Табиий ва сунъий, лаборатор ва ишлаб чиқариш экспериментлари.** Эксперимент турлари. Экспериментларни режалаштириш, амалга ошириш босқичлари. Табиий ва сунъий тадқиқотлар. Лаборатор ва ишлаб чиқариш тадқиқотлари.

## **II. ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидадан: бинар-маъруза, савол-жавобли маъруза, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

- ўқувфаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидуль;

#### IV. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Таълимнинг интерфаол методлари – бу шахс психологияси, ўқув психология, катталар педагогикасининг энг янги тамойилларига асосланган машқ ва тренинглар орқали ўтадиган таълим методидир. Интерфаол методларда иштирокчи шахси асосий марказда бўлади. Тренинг жараёнида унинг лаёқат ва сифатлари ривожлантирилади. Интерфаол методлар ёрдамида таълим олувчи онгли равишда муаммони ҳал қилиш, қарор қабул қилиш ва мустақилликни англайди.

Интерфаол ишнинг асосий тамойили, гуруҳ иштирокчиларининг ўзларини реал, ҳаётий вазиятга тушириш ва жавобларни ўзлари топишларига имкон яратиш. Интерфаол ёндашувнинг афзаллиги, инсон ўзи ўйлаган, топган ва тажриба орқали эришган маълумотларини осонроқ ўзлаштиради.

Иштирокчилар тажрибасига мурожаат қилишимиз лозим: *таълимнинг қайси интерфаол методларини биласиз? Биз дарсимизда қайси интерфаол методлардан фойдаландик?*

Иштирокчилар методлар билан бирга машқларни ҳам айтишлари мумкин. Ёзилган фикрларга асосланиб, уларнинг қай бири машқ, қай бири метод эканлигини тушунтиринг. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда, машқларнинг ичида методлар ишлаб чиқилиши мумкинлиги ҳақида тушунча беринг.

Наълимнинг асосий интерфаол методлари:

- *гуруҳлар иши*
- *ақлий ҳужум*
- *ролли ўйин*
- *ишчанлик ўйинлари*
- *индивидуал иш*
- *жуфтликлар иши*
- *мини-маъруза*
- *суҳбат*
- *мунозара.*

#### **Гуруҳлар иши**

Иштирокчиларни 4 гуруҳга ажратинг. Хар бир гуруҳ алоҳида метод устида ишлашини тушунтиринг: 1-гуруҳ «Ақлий ҳужум», 2-гуруҳ «ишчанлик ўйини», 3-гуруҳ «жуфтликлар иши», 4-гуруҳ «ролли ўйин».

Вазифа: Методни тақдимот қилишни ўйлаб кўринг ва тақдимотга тайёрланинг ҳамда ушбу саволларни кўриб чиқинг:

- Қандай мақсадда қўлланади?
- Бу методни қўллашда нималарга эътибор бериш керак?
- Бу методнинг афзаллиги нимада?

Гуруҳлар тақдимоти. Ҳар бир гуруҳ тақдимотидан кейин, тренер комментария беради, фикрларни тўлдиради ва саволларга жавоб беради.

### **Ақлий ҳужум**

Ақлий ҳужум – педагог қўйган савол ёки муаммо юзасидан ҳар бир тингловчи ўз фикрини баён этишга имкон берувчи ўқув услубидир. Услуб моҳияти: «Бир калла яхши, иккита калла ундан яхши» принципи бўйича педагог томонидан белгиланган вазифа ва саволлар юзасидан эҳтимол тутиладиган ҳамма фикрлар вариантларини бир ерга жамлай олишда, истисно тариқасида таълим олувчининг барча фикрлари, жумладан айтарли тўғри бўлмаганликлари ҳам инобатга олинади». Баён этилган фикрлар кейинги таҳлилда тингловчиларнинг қўйилган савол ёки муаммони тўғри тушунишларига имкон беради (тингловчиларга савол берилади, барча ғоя ва таклифлар ёзиб борилади. ).

Кичик гуруҳларда ишлаш–тингловчиларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашинувига асосланган. Бунда гуруҳда таҳлил қилиш, баҳолаш, текшириш асосида муайян мавзу ёки саволлар ишлаб чиқилади. Кичик гуруҳларда ишлаш учун 5-7 катнашчидан иборат гуруҳ тузилади.

Сухбат методи – кўп қўлланиладиган ва самарали методлардан биридир. Бу кўпинча савол-жавоб методи деб ҳам юритилади. Чунки мазкур метод дарс жараёнида савол-жавоб воситаси асосида олиб борилади. Педагог тингловчиларга савол бериб ёки илгари ўзлаштирган билимларини эсларига тушириш ёхуд мавжуд буюмлар асосида янги мавзулардан тегишли хулоса ва натижалар чиқариш, умумлаштириш, шунингдек, тингловчиларнинг ўзлаштирган билимларига таяниб янги хулосалар чиқаришни таклиф этиш йўли билан билим, кўникма ва малакаларни бериши назарда тутилади. Сухбат методи тингловчи фаолиятининг янги-янги қирраларини очиб беради ва бир мақсадга қаратилган мустаҳкам ҳолат бирлигини туғдиради.

Кичик маъруза – ўтиладиган мавзунинг ҳақида кичик маълумот берилади. Сўнг мавзу бўйича гуруҳларда ишланади.

Ролли ўйинлар – тингловчиларга бирор муаммоли вазият берилади. Тингловчилар бу вазифани ечимини роллар орқали ифодалаб беришади. Педагоглар бу метод ёрдамида «реал ҳаёт» ҳолатларини қайта жонлантирадилар. Уларга амалий иш фаолиятида қўллаш мумкин бўлган янги турдаги фаолиятларини синаб кўриш ва текшириш имкониятларини беради.

Баҳс-мунозара методида иштирокчиларга бир кун олдин мавзу берилади. Иштирокчилар мавзунини ўқиб, саволларга жавоб топиб гуруҳларда ўша гуруҳларда ўша саволларга жавоблар баҳс мунозара асосида олиб борилади.

Жуфтликда ишлаш – бу устиворликка эга методлардан биридир. Қатнашувчиларга савол берилади. Бериладиган муаммони чиқарадиган бўлиб, қатнашувчилар орасида вазифаларни бартараф этиш тўғрисида мулоқот уюштирилишига чорлайди. Агар қатнашчи жуфтлиги жавоб юзасидан кўргазмали материал, жадвал ёки диаграммалар тайёрлаганда



ўша жуфтликнинг ҳар бир аъзоси ўз фикрининг маҳсули билан ғурурлана олишлари мумкин.

#### **Кичик гуруҳларда ишлаш. Технология 3Х4.**

Ҳар бир гуруҳ маълум бир сўзга 3 тадан таъриф беради. Плакатга 5 дақиқа ичида ҳар бир гуруҳ ўз фикрини ёзади. Шундан сўнг биринчи гуруҳ ўзининг плакатини иккинчи гуруҳга, иккинчи гуруҳ учинчи гуруҳга, учинчи гуруҳ тўртинчи гуруҳга, тўртинчи гуруҳ биринчи гуруҳга плакатни беради. Ҳар бир гуруҳ қабул қилинган плакатга ўз фикрларини ёзиб, кейинги гуруҳга узатаверади. Фикрлар қайтарилиши керак эмас. Ҳар бир гуруҳ ўзининг бирламчи плакатини қайта қўлига олмагунча қадар ўз фикрларини ёзиб боришлари керак. Сўнгра ҳар бир гуруҳ 3 дақиқа ичида тақдимот ўтказади.

Ментор—мураккаб вазифа. Кўпгина хислат ва малакаларга эга бўлиши керак. Улардан асосийлари:

- атрофдагиларга таъсир кўрсата олиш;
- ишончлиликини- жавобгарликини хис этиш;
- яхши ривожланган шахслараро мулоқот малакаларига эга бўлиш;
- яхши тингловчи;
- савол бериш малакалари;
- ростгўйлик;
- қўллаб-қувватлаш малакалари;
- соғлом фикрловчи;
- эътиборлилик
- маълумотга эга бўлиши;
- йўналтирувчи;
- ўргатувчи;
- қўллаб-қувватловчи шахсдир;

#### **«SCAMPER» усули.**

«SCAMPER» **услуги** янги фикрларни юзага келтиришни стимулловчи маълум бир саволларни қўйиш схемасидир, бошқача қилиб айтганда – бу креативлик услуги.

«SCAMPER»— бу, ўрганилаётган муаммонинг хусусиятлари устида мустақил ишлашни баён қилувчи сўзларнинг ҳарфлар билан белгиланган аббревиатураси ҳисобланади.

«SCAMPER»— бу:

**S**— Substitute (алмаштириш).

**C**— Combine (бирлаштириш).

**A**— Adapt (мослаштириш).

**M**— Modify/Magnify (модификациялаш, катталаштириш).

**P**— Put to Other Uses

(бошқачақўллаш тавсияси ёки бошқасоҳаларда қўллаш).

**E**— Eliminate (бартараф қилиш ёки минимумга чача ўзгартириш, қисқартириш).

**R**— Rearrange/Reverse (тартибини ўзгартириш).

Бу технологияни қўллашдан олдин масалани аниқ қўйиш зарур: ечими топилиши керак бўлган муаммони ёки қайта ишланиши лозим бўлган ғоя (фикр)ни аниқлаштириш.

**Технологиянинг мақсади:** мураккаб масалаларни ечишда янги ғоялар кидириб топишга ёрдам берадиган самарали схема. Бу технологиянинг келиб чиқишига барча янги ғоя ёки фикрлар эскиларининг модифицирланган шакли эканлигига тасдиқловчи кузатувлар сабаб бўлган.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига «SCAMPER» технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари гуруҳий тартибда тақдирот қилинади.

«SCAMPER» усули қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**SUBSTITUTE (алмаштириш)** – мавжуд бўлган муаммонинг, жараённинг, ҳаракатлар тартибининг бир қисмини нима билан ва қандай қилиб алмаштириш ҳақида фикрлаш, бу ўз-ўзидан янги ғоялар пайдо бўлишига олиб келади.

**Саволлар:**

1. Таркибий қисмларни қандай қилиб ва нима билан алмаштира бўлади?
2. Мавжуд қоғозларни қандай қилиб ванима билан ўзгартирса бўлади?
3. Қандай қилиб ванима билан шаклни алмаштира бўлади?
4. Жараён қатнашчиларини нима билан ва қандай қилиб алмаштира бўлади?
5. Ҳодиса ёки жараён номини ўзгартирса бўладими?
6. Бир қисмни бошқаси билан алмаштира бўладими?
7. Ушбу ғояни янги йўналишда қўлаб бўладими?
8. Жараён ёки ҳодиса билан боғлиқ ҳиссиётларимизни ўзгартирсак бўладими?
9. Жараён ёки ҳодисага, объектга нисбатан ўзимизнинг муносабатимизни ўзгартирсак бўладими?

**COMBINE (бирлаштириш)** – олдингизга қўйилган муаммонинг ечимини топиш учун муаммони бир нечта қисмларини бирлаштириш ёки ушбу қисмларнинг ўзаро таъсирини кучайтириш имконияти борлиги ҳақида ўйланг. Креатив фикрлаш ва ғояларни генерациялаш муаммонинг мавжуд бўлган, аммо азалдан ўзаро боғланмаган қисмларини қўшиш ёки йўқ нарсани яратишни тахмин қилади.

**Саволлар:**

1. Бир нечта ўй-фикрлар натижаларини ёки уларнинг қисмларини бирлаштириш мумкинми ва қандай қилиб?
2. Олдимизга қўйилган масалани бошқаси билан бирлаштириш мумкинми?
3. Қўллаш соҳасини кенгайтириш учун нимани бирлаштирадик бўлади?
4. Нималар бирлаштирилиши мумкин?
5. Натижага эришиш учун турли имкониятларни бирлаштирадик бўладими?

**ADAPT (мослаштириш)** – мавжуд бўлган ғоялар ва усуллар ёрдамида янги масалаларни ечиш ҳақида ўйлаб кўринг. Айнан шу нарса энг керакли ечим бўлиши мумкин. Бу ерда шунга асосланиш керак-ки, янги ғоялар ҳозирда мавжуд бўлган ғояларнинг қисмларидан ташкил топади.

Саволлар:

1. Аналоглар борми, ва у нимага ўхшаши мумкин?
2. Шунга ўхшаш нарса билан танишманми?
3. Бу вазиятдан яна нимани олиш мумкин?
4. Бу муаммони ҳал қилиш учун бор нарсаларнинг қайсисидан фойдалана олишим мумкин?
5. Ўзим учун ишлатиш мақсадида кимнингдир ғоясини қўллай оламанми?
6. Менинг концепциям бошқа контекстда намоён бўлиши мумкинми?
7. Қўллай олишим мумкин бўлган бошқа соҳадаги ғоялар борми?

**MODIFY/MAGNIFY (модификациялаш, катталаштириш)** – мавжуд ғояларни кенгайтириш ёки модификациялаш усулларини излаш. Бундай йўл билан нафақат муаммо ечимининг айти вақтдаги вариантларини ўзгартириш, балки муаммони янги ракурс остида кўриш имкониятига эга бўлиш, шунингдек ҳаракатлар самарасини ошириш мумкин.

Саволлар:

1. Нимани ва қандай қилиб модификациялаш мумкин?
2. Қайси ғояларни кенгайтириш мумкин ва қандай қилиб?
3. Энг катта самарага олиб келувчи нимани бажариш мумкин ва қандай қилиб?
4. Буни осонгина қайта қилиш иложи борми?
5. Мавжуд бўлган ғоя ва концепцияларга қўшимча баҳо берса бўладими?

**PUTTOOTHERUSES (бошқача қўллаш тавсияси ёки бошқа соҳаларда қўллаш)**. Айнан шу вақтдаги ғояни бошқа соҳаларда қўллаш имкони борми? Олдин қўлланилган усуллар орасида ҳозирги муаммони ечимини топиш учун ёрдам берадиган бирон нарса борми? Кўпгина ҳолатларда бир нечта масалаларни фақат биттагина усулбилан ечиш мумкин, фақат бу имкониятни кўра билиш керак.

Саволлар:

1. Буни яна қандай қилиб қўллаш мумкин?
2. Буни режалаштирилган нарсадан ташқари яна бошқасига қўллаш мумкинми?
3. Шу ғояни бошқалар қандай қилиб қўллай олишим мумкин?
4. Мавжуд ғояни ўзгартирган ҳолда қўллаш мумкинми?

5. Агар шуғояни мен ҳозиргина билган бўлсам уни қандай баҳолаган бўлардим ?

**ELEMINATE (бартараф қилиш ёки минимумгача ўзгартириш, қисқартириш).** Сизнинг ҳозирги ғоя ёки концепцияни қайта ишлаш мақсадида унинг баъзи қисмлари олиб ташланса ёки минималлаштирилса нима содир бўлишини фараз қилинг. Бир нечта таркибий қисмларни олиб ташлашга ҳаракат қилинг, – бу муаммолар доирасини кичиклаштиришга ёки умумийдан частнақчага ўтишга ёрдам беради.

Саволлар:

1. Муаммони соддалаштириш имкони борми?
2. Жиддий ўзгаришларга олиб келмасдан контекстанд нималарни олиб ташлаш мумкин?
3. Қайси шарт мажбурий эмас?
4. Муаммони бир нечта қисмларга ажратиш мумкинми ёки шартми?
5. Муаммони анча кам ҳажмда келтириш мумкинми?

**REARRANGE/REVERSE (тартибини ўзгартириш).** Тескари тартибда ҳаракат қилиш, ҳаракатлар кетма-кетлигини ўзгартириш имкони бор ёки йўқлиги ҳақида ўйланинг, бунинг учун нима қилиш керак ва бу қандай кўринишда бўлади? Баъзи вазиятларда бу муаммонинг ечимини тез топишга имкон беради ва янги ғоялар пайдо бўлишига олиб келади.

Саволлар:

1. Қандай тартиб энг потимал бўлади?
2. Алоҳида қисмлар ўзаро алмашиш хусусиятига эгами?
3. Ҳаракатларнинг бошқа кетма-кетлиги бўлиши мумкинми?
4. Сабаб ва оқибатни ўзаро жойларини алмаштириш мумкинми?
5. Ижобий ва салбий жиҳатларни ўрнини алмаштирадими бўладими?
6. Муаммони тескари тартибда кўриб чиқсак нима бўлади?
7. Агар мен энг охиридан ҳаракат қилсам нима бўлади?

«SCAMPER» услуби етарлича оддий, лекин биринчи қарашда бошқача туюлиши мумкин. Шу нарсани тушуниб олиш керак-ки, бу усул шаблонни парчалашни, муаммолар ечимини топишнинг янги усуллариини излаш ва мавжуд ечимлар ҳамда ғояларга асосланган янги фикрлар генерациясини шакллантиришни белгилайди. Аммо бу усулни тўғри ва самарали ишлатиш учун тажриба керак, бўлмаса ундан маълум бир самара олиш мураккаб.

### **“KWL/KWHL креатив” усули.**

Таълимда қўлланиладиган графикли органайзерларнинг сони кўп. Графикли органайзерларни барча фанлар учун тайёрлаш мумкин, махсус таълим да эса улар талабалар билимни бошқаришда жуда ҳам фойдали ҳисобланади. Бу органайзерларнинг баъзилари конкретлаштирилган бўлса ҳам, улар орасида мия ҳужуми ва билимлар билан дастлабки танишиш борасида KWL-диаграммаси энг кўп ишлатилади. KWL-диаграммаси – бу график органайзер бўлиб, билимларни, саволларни, шунингдек олинган билимларни ёзиш учун мўлжалланган. Олий таълим да бошланғич курс

талабалари учун ўқиш ва маълумот тўплаш борасида эътиборни бир жойга жамлашда KWL-диаграммаси жуда ҳам унумли ҳисобланади.

KWL-диаграммаси маълум бўлган маълумот ҳақида фикр юритиш, унга қизиқиш, янги маълумотларни топиш имкониятини беради.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

Типик KWL-диаграммасида учта устунча бор: К – “Мен нимани биламан”; W – “Мен нимани билишим керак”; L – “Мен нимани билдим?”. Мажбурий бўлмаган «Н» устунча (Н – “Мен қандай ўқийман?”) ҳам бор, бунда KWHL-диаграммаси ҳосил бўлади.

KWL-диаграммасининг биринчи устуни – бу “К” устуни, ёки “Мен нимани биламан” устунидир. Бунда талабаларнинг мавзу бўйича бошланғич билимлари мия ҳужуми усулини амалга ошириш орқали белгиланади. Талабалар ўзларининг билимларини калит сўзлар ёки қисқа гаплар билан изоҳлашади ва ёзишади. К устуни анча кенг информацияни ўзида сақлайди, бунда йўналтирувчи саволлар қўлланилиши мумкин.

“W” устуни ёки “Мен нимани билишни хоҳлайман (билишим керак)” устуни мавзудан нималарни олиш ҳақида фикрлашга ундайди. Талабалар ўзларининг дастлабки билимларини қўллаган ҳолда мавзу бўйича яна нималарни билиб олиши ҳақида ўйлаши керак. Бу устун талабаларни аниқ мақсад билан ишлашга ундайди.

“Н” устуни, яъни “Мен қандай ўқийман” устуни талабаларга маълумотни қаердан излашни режалаштиришга ёрдам беради. Талабалар “W” устунидаги саволларни қўллаб, билим олиш учун қандай ресурсларни топиши ёки ишлатиши мумкинлиги ҳақида ўйлашади. Бунда ўқитувчи талабалар учун ресурсларнинг минимал миқдорини белгилаб бериши мумкин.

“L” устуни ёки “Мен нимани ўргандим (билдим)” устуни талабалар матн ёки масала устида олиб борган ишлари тугатилгандан кейин тўлдирилади. Бу ерда талабалар “W” устунида қўйилган саволларга жавоб беришади. Бундан ташқари, талабалар айни вақтда билиб олган қизиқарли нарсаларни ҳам ёзиши мумкин. Агар талабалар “W” устунидаги барча саволларга жавоб бера олмаса, унда жавоб топиш учун бошқа ресурсларни излашга руҳсат берилади, асосийси саволлар жавобсиз қолмаслиги лозим. “L” устунида барча саволларга жавоб берилиши керак.

К	W	L
Мен нимани биламан	Мен нимани билишим керак?	Мен нимани билдим?

К	W	Н	L
Мен нимани	Мен нимани	Мен қандай	Мен нимани

билиман	билишим керак?	ўқийман?	билдим?

### “Дизайн фикрлаш” методи.

Олий таълим муассасаси педагог кадрларини интеллектуал ижодкорлигини ривожлантириш билан бирга уларнинг педагогик фаолиятини креатив олиб боришда дизайн-фикрлаш технологиясидан фойдаланиш таълим сифатини янада ошириш га хизмат қилади.

Дизайн-фикрлаш (инг. *Design - thinking*) технологияси – таҳлилга эмас, балки ижодий ёндашувга асосланган бўлиб, муҳандислик, педагогик ва бошқа соҳаларда қўлланилади.

Дизайн-фикрлаш технологиясини қўллаш натижасида янги ғоялар орқали муаммонинг ечими топилади. Ушбу технологиянинг назарий ва амалий машғулотларида қўлланилиши натижасида тингловчиларнинг мавзу юзасидан чуқур билимга эга бўлиши билан бир қаторда интеллектуал салоҳияти ва креативлиги ривожланди. Дизайн-фикрлаш технологияси мавзу юзасидан ечими маълум бўлмаган муаммоларни тингловчиларнинг педагогик тажрибасидан келиб чиқиб ўрганиш ва тўсатдан пайдо бўлган ғояларни ифодалашга имкон берди. У тингловчиларда тасаввурни, ижодий-яратувчанлик қобилиятини ривожлантириб, янги ғояларга илҳомлантирди. Натижада, уларда мавзу юзасидан илмий манбалар билан ишлаш кўникмаси ва креатив компетенцияси ривожланди.

**Методнинг мақсади:** қадамба қадам амалга ошириладиган усул бўлиб оддийдан мураккабга қараб боради. Билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

1-босқич: **ЭМПАТИЯ** – тингловчи мавжуд муаммога максимал “кўмилиши”: муаммони ўрганиши, уни ҳар томонлама таҳлил қилиши ва тушуниб олиши керак.

2-босқич: **ФОКУСЛАШ** – барча йиғилган билимлар масалани ечиш учун конкретлаштирилади, аналитик фикрлаш ва асосий масалаларни топишга ўргатади.

3-босқич: **ҒОЯ** – муаммо ёки масаланинг ечимини топиш учун керакли бўлган кўпгина ғоялар шакллантирилади, улар асосида прототиплар яратилади ва синалади. Турли вариантлар ичидан энг фойдалиси, камҳаражатлиси танлаб олинади. Бу ғояни тақлиф қилган ўқувчи уни ҳимоя қила олиши керак.

4-босқич: **ПРОТОТИП** – муаммо ечимини топишга ёрдам берадиган ғоянинг прототипини, моделини ёки макетини яшаш.

5-босқич: **ТЕСТ** – прототипни амалиётда синаб кўриш. Прототипларни тестдан ўтказиш бир неча мартаба, итератив ва реал шароитларда амалга оширилиши мумкин.



### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танкидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

### **Мавзу: Биологик объектларда электрофизик катталиклар**

Дарснинг мақсад ва вазифалари:

Умумтаълимий электрофизик катталиклар ҳақида фундаментал физик параметрларни шакллантириш. Биологик объектларда электрофизик катталикларни ўрганишни аҳамияти ва ўрганиш усуллари тушунтириш. Электрофизик катталик (электр ўтказувчанлик, электр сиғим, электр қаршилиқ, импеданс ва диэлектрик ўтказувчанлик  $\epsilon$ ) ларни ҳар бири ҳақида батафсил тўхталиб ўтиш тавсия қилинади.

### **Қўргазмалар қуроллар ва уларни намоиш этиш:**

Ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб келинган, ушбу мавзуга оид Интернет банкларида сақланаётган маълумотлар асосида, MsOffice пакетида мавжуд бўлган PowerPoint дастуридан фойдаланиб тайёрланган биологик объектларда электрофизик катталиклар ва уларни ўрганиш асосида тайёрланган тажриба натижалари асосида олинган маълумотлар намоиш этилади.

### **Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси:**

Метод:

биофизика фани бўйича Интернет банкларида сақланадиган маълумотлардан вазифалар аниқлаш, анимацион слайдлардан фойдаланиш ҳолда янги мавзунини тушунтириш. Кластер усулини қўллаш.

**Шакл:** гуруҳларда.

**Восита:** тарқатма материаллар, ахборот ва коммуникацион технологиялар имкониятлари.

**Назорат тури:** кузатиш, савол орқали, тестлар ёрдамида.

**Баҳолаш:** ўз-ўзини баҳолаш. Ўқитувчи томонидан баҳолаш.

**Дарсни ўтиш методикаси:** Машғулот бошида ўқитувчи талабаларга мавзунини ўрганишдан мақсад ва унинг вазифаларини эълон қилади: Талабаларга ушбу мавзу юзасидан Кластерни тузиб, машғулот якунида

топшириш вазифаси берилди. Талабаларбиологикобъектлардаэлектрофизиккатталикларниўрганишдагиасосийпараметрлар, уларниўрганишбиологикобъектларнифизиологиквабиофизик хусусиятларни аниқлашда муҳим аҳамияти ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Ўқитувчи янги ўтиладиган мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказди, талабаларни жавобларини эътибор билан эшитади, улар йўл қўйган хатоларни қайд этиб боради (бу талабаларнинг умумий билим даражасини ва улар томонидан қўйиладиган хусусий хатоликларни аниқлаш имконини беради.) ва тузатиб, тўлдириб боради. Сўнгра талабаларнинг жавоблари умумлаштиради.

Ундан кейин янги мавзунини маъруза шаклида баён этади.Маъруза давомида ўқитувчи мавзу юзасидан тайёрлаб келган анимацияли слайдларнивидеопроектор ёрдамида экранга тушириб, намоёниш қилиб боради.

**Янги мавзунини ўтиш методикаси:** Аввал ўқитувчи электрофизик катталиклар ҳақида умумиймаълумотлар беради. Шундан сўнг ҳар бир электрофизик катталиклар тўғрисида батафсилмаълумотлар беради.Шу ерда, аввалдан ўқитувчи томонидан PowerPoint дастури ёрдамида тайёрлаб келинган слайдларёки “Биофизика” ўқув-электрон мажмуа намоёниш этилади.Слайдларни биринча саҳифасида мавзунинг номи иккинчи саҳифасида ушбу мавзунинг ўтишрежаси, кейинги саҳифада мавзуга доир Интернет саҳифаларини манзиллари кўрситилади. Кейингисаҳифаларда эса ҳар бир электрофизик параметрларни навбат билан биологик объектлардақўлланилиши ва уларни ўрганиш ёрдамида аниқланадиган биофизик ва физиологик ҳолатларслайдлар ёрдамида тушинтириб берилади.Ушбу саҳифани ёритиш давомида ўсимликларга саноат чиқиндиларини зарарли таъсиरोқибатлари ва чидамлилиқ хусусиятларини, улардаги электрофизик катталикларни ўрганишёрдамида олинган тажриба материаллари намоёниш этилади. Мисол сифатида, Тожикистон алюминийзаводидан тарқалаётган фторли бирикмаларнинг ўсимликларга зарарли таъсири ва бу таъсирларгачидамлилиқ даражасини электрофизик усуллар ёрдамида ўрганиш натижасида олинган тажрибажадвалларни келтириб ўтишимиз мумкин. Бундай жадвалларни намоёниш этиш давомида, қайдэтилган ҳар бир параметрларга алоҳида таърифлар берилиб, ўсимликларни физиологик ва биофизикхусусиятларини ўрганишдаги аҳамияти тўғрисида сўзлаб берилади. Ушбу маълумотларниталабаларга ўз дафтарларига ёзиб боришлари талаб этилади. Дарс якунида бажарилган ишларрейтинг тизими бўйича баҳоланади. Талабалар билимини баҳолашда уларни ижодкорлигига алоҳидаэътибор қаратиш зарур. Шундан сўнг, ўйга бериладиган вазифа тушинтирилади.

**Ўйгавазифа:** ТалабаларгаИнтернетбанклариданфойдаланган ҳолдакейинги “Квантбиофизикаси” мавзуси бўйича анимацион тақдимот тайёрлаб келиш вазифаси топширилади.



Бундай усул ёрдамида машғулот олиб бориш ҳар бир талабада мустақил ишлаш кўникмасинихосил қилади, ахборотлар излаб топиш жараёнида қизиқарли маълумотларга дуч келади ва ундафанга бўлган қизиқишини янада ортишига сабаб бўлади.

### **Хулоса:**

Талабалармавзуни ўзлаштиришжараёнидаахбороттехнологияларданфойдаланишталабаларни фаоллигини оширишга, натижада уларни фанга бўлган қизиқишларини шаклланишига катта имкониятлар яратади.

### **Тиббий-биологик фанида “Хужайра ҳақида тушунча” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш.**

Дарснинг мақсади: одам организми хужайравий тузилиши ҳақида маълумот бериш, хужайра органоидларининг тузилиши ва вазифалари билан таништириш.

Дарс режаси:

1. Инсон танасининг тузилиши ва вазифаларининг эволюцион тараққиёти.
2. Хужайранинг тузилиши.
3. Хужайранинг кимёвий таркиби.

“Зигзаг” стратегияси асосида янги мавзунинг моҳияти очиқ берилади.

Талабалар 7 гуруҳга ажраландилар. Гуруҳларга мавзунинг матни бўлиб берилади. Гуруҳдан етакчи аниқланади. Етакчи талабалар матнни гапириб берадилар. Қолган ўқувчилар мавзуни тўлдирадилар. Ҳамма гуруҳларнинг ўқувчилари ўзларига берилган матн хусусида сўзлаб берганларидан сўнг, матнлар гуруҳлараро алмаштирилиб, аввалги фаолият такрорланади.

1 гуруҳга: 1 матн Хужайра ҳақида маълумот.

2 гуруҳга: 2 матн Хужайранинг тузилиши.

3 гуруҳга: 3 матн Хужайра цитоплазмаси.

4 гуруҳга: 4 матн Ядро ва унинг вазифаси.

5 гуруҳга: 5 матн Хужайранинг кимёвий таркиби.

6 гуруҳга: 6 матн Хужайранинг бўлиниши.

7 гуруҳга: 7 матн Хужайранинг ҳаётий жараёнлари.

Шундай қилиб, ҳамма матнлар мазмуни гуруҳлар томонидан ўрганилиб чиқилгач, ўқувчилар “хужайра ҳақида умумий тушунча” мавзуси бўйича асосий тушунча элементларни ажратдилар. Тушунчаларнинг ўзаро мантикий боғлиқлигини аниқлайдилар. Юзага келган ғоялар асосида мавзуга оид схема ишлаб чиқарилди. Дарс якунида ўқитувчи қатнашган талабаларни баҳолайди ва уйга топшириқлар беради.

«Хужайра ва унинг таркиби» мавзусини ёритишда синквейн (ахборотнинг иғиш) методидан фойдаланиш. Бу методни қўллаш жараёнида талабаларда мавжуд бўлган тарқоқ ахборот аста-секинлик билан босқичма-босқич йўналтирилган ахборотга айланиб боради. Бунинг учун талабаларда 5 имконият мавжуд бўлади ёки синквейн 5 қатордан иборат ўзига хос қофиясиз шеър бўлиб, ўрганилаётган мавзуга оид тушунчалар

(ходиса, жараён) кетма-кетликда қаторларга ёзиб чиқилади. Синквейн тузишорқали талабалар ўз фикрларини бир жойга тўплаш кўникмасини эгаллашади, уларни ихчамифодалашга, тўғри хулосаларни шакллантиришга ўрганишади.

Синквейн тузиш тартиби:

- 1.Қаторга мавзудаги бош ғоя, 1 сўз билан кайд этилади.
- 2.Иккинчи қаторда бош ғоя 2 сифат билан ифодаланади.
- 3.Учинчи қаторда мавзуга оид тушунчалар 3 та сўз билан намоён қилинади.
- 4.Тўртинчи қаторда мавзуга оид фикрлар 4 та сўздан иборат бўлиши лозим.
5. Бешинчи қаторга мавзуни ойдинлаштирадиган 1та сўз ёзилади.

Масалан:

1. Тирикликнинг бирлиги.
2. У бир қанча органиоидлардан иборат.
3. Унда жуда кўп хаётий жараёнлар содир бўлади.
4. Унинг турлича шакллари мавжуд.
5. Хужайра

Синквейн мавзу бўйича бирорта муаммоли вазиятни ечишда талабалар тафаккурини чархлаш учунтузилади. Агар биринчи қатордаги мавзу муаммоси сўз туркуми от орқали ўқитувчи ёки талабатомонидан ифодаланса, иккинчи қаторда топшириқнинг муҳим хоссаларини белгиловчи бир жуфтсифатни талабалар ўйлаб туриши, кўп вариантли жавоблардан энг маъкулини ажратиб олиши лозимбўлади. Шундай кейинги қаторларда ёзиладиган жавоб сўзлар ҳам талабаларнинг тезкор фикрлашинатижасида излаб топилади ва синквейндан кўзланган мақсад, яқуний натижага эришилади.

## V. НАЗАРИЙМАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу.

#### Тиббий-биологик фанлар доирасида жаҳон миқёсида эришилган ютуқлар.

Тиббиёт, табобат – кишилар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуи.

Тиббиёт тиббий-биологик, клиник, тиббий-ижтмоий ва гигиеник фанларга бўлинади. Тиббий-биологик фанларга: одам танасининг тузилишини ўрганадиган анатомия, гистология ва цитология; организмнинг одатдаги ҳолатини, унда касалликнинг пайдо бўлиши, авж олиши, кечиши ва юз берадиган структур ҳамда функционал ўзгаришларни ўрганадиган нормал физиология ва биокимё; патологик анатомия ва патологик физиология; организмга дорилар таъсирини ўрганадиган умумий ва клиник фармакология, шунингдек, микробиология, вирусология ва паразитология, тиббиёт генетикаси ва бошқалар киради. Тиббиёт табиий фанлар (биология, физика, кимё) ва ижтимоий фанлар ҳамда техника билан чамбарчас боғланган.

Тиббиётнинг халқ табобатидан мустақил фан даражасига кўтарилишида қадимги Миср, Бобил тиббиёти, Гиппократ ва Галеннинг муҳим ўрни бор. Гиппократ касалликларни аниқлаш, беморнинг ҳаёти ва фаолиятига ташқи муҳитнинг таъсирини ўрганиш, хасталикнинг келиб чиқиш сабабларини топиш ва даволашда бемор организмнинг ўзига хос хусусиятларини билиш каби масалалар билан шуғулланган. Гален эса биринчи бўлиб организмдаги аъзо ва тизимларнинг тузилиши ҳамда фаолиятларини, асосан, ҳайвон (маймун)лар организмда тажриба қилиб ўрганган. Унинг анатомия ва физиологияга доир асарлари то 16-асргача тиббиётнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқда табобат айниқса, ривож топди. Шу даврда юнон, санскрит ва бошқа қадимий Шарқ тилларида ёзилган тиббиётга доир асарларнинг кўпчилиги, жумладан, Аристотель, Диоскорид ва Галеннинг доришуноликка оид асарлари сурёний ва араб тилларига таржима қилинди. Галеннинг «Қиво ал-адвия ал муфрада» («Содда дориларнинг қувватларни ва Бадиғурснинг «Ал-Абдал ал-адвия ал муфрада» («Содда дориларнинг ўрнига ўтучилар») каби китоблари илк бор машҳур табиб ва таржимон Ҳунайн Ибн Исҳоқ Ибодий (80877) томонидан таржима қилинди. Шарқда Абу Ҳанифа Динаворий (815 й. туғилган) «Китоб фи-н-набот» («Ўсимликлар ҳақида китоб»)ни яратиб, унда 482 хил ўсимликнинг дорилик хусусиятларини баён этди. Абу Райхон Берунининг «Китоб ас-сайдана фи-т-тиб» («Тиббиётда доришунослик») асари ўша давр тиббиёт ининг энг катта ютуғи ҳисобланиб, Ўрта Осиёда доришунослик илми – сайданага асос бўлди. Абу Бакр Розийнинг табобат соҳасидаги асарлари умуман жаҳон тиббиётнинг ривожланиши, бойишида ғоят улкан аҳамият касб этди. Олимнинг тиббиёт энциклопедияси ҳисобланган 25 жилдли «Ал-Жомиъ ал-кабир ва қад урифа бл-Ҳовий» («Ал-Ҳовий номи

билан танилган катта тўплам») асари шу давргача Гарб ва Шарқ тиббиёт ида қадрли бўлиб келди; 10 жилдли «Табобат китоби» ҳамда «Чечак ва қизамиқ ҳақида»ги китоби ҳам тиббиётда машхур эди.

Ўрта асрда Абу Али Ибн Сино тиббиётнинг ривожланишига катта хисса қўшди. Унинг «ал Қонун фи-т-тиб» (қ. Тиб қонунлари) асари асрлар оша жаҳон табобатида асосий қўлланма бўлиб келди. Бу асар тиббиётнинг асосий соҳалари: анатомия, физиология, патология, терапия, доришунослик, гигиена ва бошқа(лар)ни қамраб олган. Иситма, ўлат, чечак, қизамиқ каби юқумли касалликларни қандайдир кўзга кўринмас жониворлар кўзғатиши тўғрисида фикр юритган. У буйрак тошларини операция қилиб олиб ташлаш, трахеотомия қилиш, жароҳатларни даволаш усуллари ҳақида ёзади. Ибн Синонинг бизгача етиб келган энг муҳим асарларидан яна бири «Ал-Адвия ал-калбия» («Юрак дорлари»)дир. Унда олим юрак касаллигида қўланадиган (ўзи топган) дорилар ҳақида ёзади.

Таниқли табиб Абу Мансур тибга оид «Мажмуъайи кабир дар адвият муфрада» («Содда дорилар ҳақида катта тўплам»), «Рисола дар иложи амроз-и садр» («Кўкрак касалликларининг Давоси ҳақида рисола»), «Китоб ғуно ва муно» («Мақсадларни мукамал баён қилган китоб») каби асарлар ёзган. Буларда ички касалликлар, тери касалликлари, исима-безгак касаллиги, уларга қарши дорилар ва даволаш усуллари баён этилган.

Шарафутдин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Илоҳий ҳам касалликларнинг келиб чиқиши, сабаблари, белгилари, уларни аниқлаш ва даволашга оид кўп билимлар соҳиби бўлган.

Ўша даврнинг йирик табибларидан бири Бадриддин Самарқандий Муҳаммад Ибн Баҳром Қалонисий ҳар хил касалликларга қарши мураккаб дорилар тайёрлаб тажрибада синаб кўрган.

13-асрнинг машхур табибларидан бири Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Али Ибн Умар Нажбуддин Самарқандий «Ағзият ал-марзо» («Касаллар истеъмол қиладиган овқатлар») номли китобида ҳар бир касалликда қандай таом истеъмол қилиниши ва қайси овқатлардан эҳтиёт бўлиш лозимлиги, шунингдек, овқатларнинг дорилик хусусиятлари ҳақида ёзган.

40 йилдан ортиқ табобат илми билан шуғулланган Султон Али табиб Хуросоний (15-16-а.) ўз тажрибалари асосида 2 асар ёзган. Улардан бири «Дастур ал-илож» («Касалларни даволаш бўйича қўлланма»)дир. 15-16-а. ларда Ҳиндистонда яшаб ижод этган ҳиротлик табиб Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф Юсуфий Ҳиравий тиббий асарлари ва амалий ишлари билан Ўрта Осиё, Хуросон ва Ҳиндистонда табобатнинг яна ҳам таракқий этишига ўз хиссасини қўшди.

Абдулғозихон ибн Араб Муҳаммадхон Хоразмий (1603-1664) муҳим тиббий асарлари, жумладан, эски ўзбек тилида ёзилган «Мнофиъ ал-инсон» («Инсон учун фойдали дорилар») номли асари билан машхур.

18-асрнинг 2-ярми ва 19-асрнинг 1-ярмида Хоразмда яшаб ижод этган ўзбек табиби Жафархўжа ибн Насруддинхўжа Ҳусайний Крукий Ҳазораспийнинг ўзбек тилида ёзилган «Мултакий ат-тиб» («Тиббий маълумотлар тўплами») асари (1823) 67 бобдан иборат бўлиб, унда асосан,

киши аъзоларининг ҳар хил касалликлари ва уларни дорилар билан даволаш усуллари баён қилинган.

Машҳур ўзбек табиби Маҳмуд Ҳаким Яфоний Хўкандий (1851 й. да туғилган) умрининг кўп қисмини табобатни ўрганишга ва кишилар соғлигини сақлашга сарфлади. У ўз давригача бўлган шарқ табобати қўлга киритган ютуқларни жамлаб ҳамда шахсий тиббий тажрибалари билан бойитган ҳолда «Қонун ал-илож» («Даволаш қонуни») ва «Тариқ ал-илож» («Даволаш усули») китобларини ёзиб қолдирган. Уларнинг иккинчисида ўпка, юрак, сут бези, меъда, жигар, ичак, буйрак, қовуқ ва иситма касалликлари, шишлар, тошмалар, мўй ва тирноққа оид хасталиқлар, жароҳат ва яралар; суяқларнинг синиши, захарлар, захарли ҳайвонлар чаққанида даволаш ва баъзи русча номдаги дорилар келтирилган.

Боситхон Зоҳидхон ўғли ўз ижодида Беруний, Розий, Ибн Сино, Илокий, Қумрий ва Самарқандийларнинг асарларидан кенг фойдаланган. Бизгача унинг ўзбек тилида ёзилган 3 асари етиб келган.

Европада Уйғониш даврида тиббиёт янгидан раванқ топди. 16-асрда кўпгина фанлар, айниқса, тиббиёт, физика ва кимёнинг ривожланиши касалликларни даволаш, сабабини билишда бу фанларнинг қонунларидан фойдаланиш имконини берди. Анатомиянинг асосчиси А. Везалий мурдани ёриб текшириш билан одам организмнинг тузилиши ва аъзолар фаолиятини илмий жиҳатдан аниқ асослаб берди. Инглиз шифокори В. Гарвей қон айланиш тизими ҳақида асар яратиб, тиббиётда янги бўлим – физиологияга пойдевор қўйди.

Физиканинг тараққиёт натижасида будаврда микроскоп кашф этилди ва ундан тиббиётда фойдаланинг бошланди. Голландияликолим Антони Левенгук томонидан микроскопиянинг ривожлантирилиши микробиология соҳасининг шаклланишига сабаб бўлди.

Табиий фанларнинг ютуқлари тиббиёт тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди, беморни объектив текшириш усуллари (пальпация, перкуссия ва бошқа(лар)) ва лаборатор диагностика асослари ишлаб чиқилди. Клиник текширув натижаларини, мурдани ёриб текширишда олинган маълумотлар билан таққослаш усули (А. И. Полунин, Н. И. Пирогов ва немис олими Р. Вирхов ва бошқалар) касаллик белгилари аъзо ва тўқима ҳамда хужайраларнинг тузилишидаги ўзгаришларга боғлиқ эканлигини исботлашга имкон берди, бу тадқиқотлар натижасида кейинчалик тиббиётнинг яна бир янги бўлими – патологик анатомия ва гистология соҳалари вужудга келди.

19-асрнинг 2-ярмида микробиология соҳасида бир қанча янгиликлар яратилди. Эпидемик касалликлардан вабо, уларнинг кўзгатувчилари ва касаллик эпидемиологияги ўрганилди, чечак микроби аниқланди ва унга қарши вакцина тайёрланди (Э. Женнер). Юқумли касалликлар сабаби турли микроблар эканлигини Л. Пастер асослаб берди ва бу кашфиёт асосида кишиларни қуйдирги, қутуриш каби юқумли касалликларга қарши эмлаб, уларнинг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш имконияти туғилди. Шу даврда Европада безгак, тошмали терлама (тошмали тиф),

кайталама терлама ва бошқалар юқумли касалликларни кўзгатувчи микроблар топилди. И. И. Мечников иммунитет ҳақидаги таълимотни яратди.

19-асрнинг сўнгги чорагида шаклланган биокимё фани соғлом организмда ва патологик ҳолатларда моддалар алмашинувини ўрганиш, унинг ўзгаришини текшириш натижасида касалликларни аниқлаш билан физиология ва патофизиологияни бойитди ва тиббиётга янги, юқори информатив ва бажарилиши осонроқ лаборатор усулларини киритди. Орқа мия нервларидаги сезувчи ва ҳаракатлантирувчи толалар ўрганилди, бу эса организмда нерв тизими фаолиятининг аҳамиятини аниқлашга имкон берди, қон ва лимфа таркиби, безларнинг тузилиши ва фаолиятлари ўрганилди. Рус олимлари С. П. Ботиш, И. М. Сеченов, И. П. Павлов тадқиқотлари туфайли марказий нерв тизими ва бутун организмнинг фаолият қонунлари материалистик нуктаи назардан таърифлаб берилди.

Умуман бу даврда экспериментал тиббиёт тобора ривожланиб борди, француз олими К. Бенар ва рус патофизиолог В. В. Пашутиннинг бу борада олиб борган илмий ишлари умумий патология (кейинчалик А. А. Богомолец ва С. С. Халатов асослаган патологик физиология)нинг фан сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Анатомия ва топографик анатомиянинг чуқур ўрганиш хирургияда оперцияларнинг муваффақиятини таъминлади.

20-асрда тиббиётда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Немис олими В. К. Рентген X-нурларни кашф этди ва тиббиётда рентгенологияга асос солди. Табиий радиоактивликнинг кашф этилиши, ядро физикаси соҳасидаги тадқиқотлар ионловчи нурларнинг тирик организмга таъсирини ўрганувчи радиобиология фанини юзага келтирди. Бу соҳадаги кейинги изланишлар даволаш ва диагностика мақсадида радиоактив изотоплардан, нишонланган атомлардан фойдаланиш имконини берди. Тиббиёт техникаси ҳам тез ривожланди. Тиббиётга электроника ютуқларининг татбиқ этилиши натижасида организмдаги турли аъзо ва тизимлар фаолиятини аниқ белгилаб берадиган усуллар, сунъий юрак, сунъий буйрак ва ҳ. к. ихтиро қилинди. Электрон микроскоп эндиликда хужайрадаги энг мураккаб ва нозик ўзгаришларни, майда микробларни аниқлашда зарур қурол бўлиб қолди. Тиббиёт кибернетикаси ёрдамида замонавий, ихчам ва қулай протезлар яратилди, шунингдек, операция вақтида беморнинг нафас олиши ва артериал босимини меъёрида сақлаб турадиган турли автоматик тизимлар ишлаб чиқилди. Ирсият ва организмнинг ўзгарувчанлик кнуниятини ўрганадиган генетика фани тиббиётнинг ривожига катта таъсир кўрсатди. Ирсий касалликларни ўрганиш тиббиёт генетикасининг пайдо бўлишига олиб келди. Иммунологининг ривожланиши иммунологик ўзгаришлар оқибатида келиб чиқадиган касалликларни ўрганадиган иммунопатологияга асос бўлди. К. Ландштейнернинг изогемагглютинация қонуни (1900-01), Я. Янский томонидан одам қони таркиби жиҳатидан 4 гуруҳга бўлиниши кашф этилиши (1907) тиббиёт амалиётида қон куйишдан кенг фойдаланишга

имкон берди. Бу даврда тиббиётга Пиркенинг сил касаллигини аниқлайдиган аллергия реакцияси (қ. Пирке реакцияси) ва аллергия атамаси киритилди. 1939-40 йилларда микроорганизмларга қарши курашнинг кучли воситаларидан бўлган антибиотиклар ихтиро қилинди ва амалда қўлланила бошлади. Витаминлар ҳақидаги таълимот ҳам ривож топди. Ички секреция безларининг тузилиши ва фаолиятини ўрганиш туфайли эндокринология мустақил фанга айланди, у ривожланиб, гормонотерапия ва гормонал бошқарилиш масалаларини ҳам ўрганишга киришилди. Кимётерапия, гормонотерапия ва марказий нерв тизимига таъсир этадиган препаратларнинг қўлланилиши ва турли синтетик дори воситаларини олиш усулларининг кенгайиши клиник тиббиётни тубдан ўзгартирди. Бу даврда янги тиббий жиҳозлар, жумладан, электрон аппаратлар ёрдамида юрак фаолиятини клиник ва экспериментал текширишлар амалиётда кенг қўлланиши натижасида кардиология соҳаси ички касалликлар клиникасидан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди.

В.П.Филатовнингпластикхирургиясоҳасидаги ишларижаҳонтиббиёти даюксакбаҳоланди,америкаликолимХ.У. Кушинг,русолимлариА.Л.Поленов,Н.Н.Буденковабошқа(лар)нинг ишларин ейрохирургиянингшаклланишигаимконберди.

Сийдик- таносилаъзоларикасалликларинихирургикусулдадаволашйўлгақўйилишиту файлиурологиясоҳасиқарортопди.

Наркоз бериш усули такомиллаштирилди. Рус хирурги А. В. Вишнеский новокаин эритмаси билан маҳаллий оғриқсизлантириш усулини ишлаб чиқди (1923-30). Замонавий наркоз бериш усули ва антибактериал терапия юрак ва ўпка хирургиясининг ривожланишига йўл очди, сунъий қон айланиш аппарати ва ҳ. к. кашф этилди.

Кардиохирургияҳамянгиолимларташлади:туғмаваревматикюракнуқс онларихирургикйўлбиландаволанабошланди.Юрак трансплантологиясига асос солинди (Жан. Африка хирурги К. Барнард, 1967).

20-аср бошларида ўсмалар ҳақидаги фан – онкология шаклланди. Кейинги тадқиқотларда ўсмаларнинг, чунончи раkning вирусли ва канцероген шакл назариялари юзага келди.

Микробиология тез суръатлар билан ривожланди: силга қарши вакцина тайёрланди (1921, А. Кальмет ва Ш. Герен). Кейинги изланишлар натижасида полиомиелит, дифтерия ва бошқа(лар) инфекциялар касалликларни бартараф қиладиган вакцина, зардоблар ихтиро қилинди; риккетсоз, лептоспирозлар ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилди. Д. И. Ивановскийнинг филтрланучи вирусларни ихтиро қилиши (1892) ва Нидерландия ботаниги М. Бейеринкнинг кейинги тадқиқотлари вирусологиянинг мустақил фан сифатида шаклланишига олиб келди.

Илмийтехникаривож,ижтимоий- иқтисодийўзгаришвамуваффақиятлартуфайлиаҳолисоғлигинисақлашдакас алликлартаркибидамуҳимижобийўзгаришларрўйберди,ўлимкамайди,узоқу мркўрувчиларсониортди.Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда

илгари дунёда кенг тарқалган ўта хавфли эпидемик касалликлар (вабо, ўлат, чечак ва бошқа(лар))га барҳам берилди. Кишилар соғлиғига ва халқ хўжалиғига катта зарар етказётган грипп, вирусли гепатит, орттирилган иммун танқислиги ва бошқа(лар) вирусли касалликларга қарши кураш шу куннинг муҳим тиббий муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

Юрак-томир касалликларидан юракнинг ишемик касаллиги, атеросклероз, гипертония касаллиги ва бошқа(лар)нинг олдини олиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Асаббузарлик, тамаки чекиш, жисмоний меҳнат билан кам шуғулланиш, меъеридан кўп овқат ёйиш, спиртли ичимликларга ружу қилиш, гиёҳвандлик каби иллатлар бундай касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Лекин бу касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашда замонавий тиббиёт анчагина муваффақиятлари эришди.

Хавфли ўсмаларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва даволаш тиббиётнинг энг долзарб масаласидир. Кимёвий канцероген моддалар ва нурланишнинг таъсирини камайтириш, ўсмалар пайдо қиладиган вирусларни топиш ва организмнинг ҳимоя механизмларини ўрганиш муҳим масалалардандир. Бу борада Ўзбекистон Онкология маркази ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Ҳозирги замонтбибиётиолдидатурганэнгмуҳиммасалаларданянабири аъзоватўқималарникўчирибўтқазидонорлик,тўқималармоскелмаслигинибартарафқилишваушбумуаммогабоғлиқбирқанчамасалалар,масалан,ўза кхужайралардандаволашмақсадидафойдалаништибибиётдамуҳимўринтутмоқда.

### **Назорат саволлари.**

1. Антикий тиббиёт.
2. Ўрта аср тиббиёти ютуқлари.
3. XIII аср тиббиёти намоёндалари.
4. XVIII асрдаги тиббий ютуқлар.
5. XIX асрда кўлга киритилган тиббиёт кашвиётлар.
6. XX асрнинг тиббиёт ривожигаги ўрни.
7. Ҳозирги замон тиббиётининг муаммолари ва масалалари.

### **Адабиётлар.**

1. Абдуллаев А.А.История развития медицины Хорезма /Диссертация на соискание ученой степени доктора медицинских наук Москва-1971 г. 431 с.
2. Абу Али Ибн Сина Канон медицинской науки в 5 книгах // Тошкент «Фан» 1979-1982гг. 3. Абу Али Хуссейн Ибн Абдуллах Ибн Сина (Авиценна) Годы юности. Из автобиографии (перевод)// Огонек 1952 г.№33 стр. 4 – 5.
3. Бородулин Ф.Г. История медицины. Избранные лекции - М.:Медицина,1961.-252с.



4. Заблудовский П.Е., Крючок Р.Р., Кузьмин М.К. История медицины - М.: Медицина, 1981.-304с.
5. Здоровье населения и здравоохранение в Республике Узбекистан// Статистические сборники - Тошкент.1993; 2013 гг. 257с.
6. Кадыров А.А. История медицины Узбекистана - Тошкент.: ИПО Ибн Сины 1994.-223с.
7. Лисицин Ю.П. История медицины: Учебник. - М.:ГЭОТАР-МЕД. 2004.-400с.
8. Махмудова Н. М. «История развития внутренних медицины в Узбекистане» из - во «Фан» Тошкент, 1969 г.
9. Медицина//Большая медицинская энциклопедия.-2 – е. изд. - М.: Медицинская энциклопедия, 1960.
- 10.Мультановский М.П. История медицины: Учебник. - М.: Медицина,1967.-348с.
- 11.Романюк В.П., Лучкевич В.С., Самодова И.Л. История мировой и отечественной медицины: учебное пособие. – СПб.: СПбГМА им. И.И. Мечникова, 2010. – 160 с. 205.

## **2-мавзу.**

### **Ўзбекистон Республикасида фундаментал фанлар муаммолари ва қўлга киритилган натижалар.**

Тошкентда Туркистон университети таъсис этилиши ва унинг таркибида тиббиёт факультетининг очилиши Ўзбекистонда тиббиётнинг ривожланишидаги муҳим санадир. Бу факультет кейин (1931 й.) Тошкент тиббиёт институтига айлантирилди.

1918 йилда Тошкентда микробиология лабораторияси (кейинчалик Эпидемиология ва микробиология илмий текшириш институти ҳамда вакцина ва қон задовлари илмий текшириш институтилари), 1919 йилда Н. А. Семашко номидаги физиотерапия институти (ҳозирги Тиббий тикланиш ва физиотерапия институти), 1924 йилда Бухорода Тиббиёт паразитологияси ва безгак институти (кейинчалик Самарқандга кўчирилган) ташкил этилди. Тиббиёт ходимларининг комплекс равишда олиб борган ишлари туфайли безгак ва ришта каби касалликлар тугатилди. Бунда олимларимиздан Л. М. Исаев, А. А. Асқаров, тиббиёт Х. Нажмиддинов, И. Қ. Мусабоев, Г. Н. Терехов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ўзбекистон Сил илмий текшириш институтида беморларни меҳнат билан даволаш усули ишлаб чиқилди (Ш. А. Алимов). Республика фтизиатрлари сил эпидемиологияси, клиникаси, даволаш ва олдини олиш масалаларини ёритиб беришди. А. Н. Крюков, И. А. Кассирский, З. И. Умидова, М. С. Турсунхўжаева, Х. И. Янбаева ва бошқаларнинг иштироки ҳамда раҳбарлигида Ўзбекистон илимининг юрак-томир тизими, организмдаги моддалар алмашинувига ва жигар хасталикларига таъсири ўрганилди. Иссиқ иқлимнинг организмнинг физиологик жараёнига таъсирини аниқлашда Н. В. Данилов, А. Ю. Юнусов, А. С. Содиков, А. Ҳ. Ҳошимов, З. Р. Юнусовлар катта илмий текшириш ишлари олиб бордилар.

Гастроэнтерология масалалари республика иқлимига ва маҳаллий аҳолининг турмуш хусусиятлари ва иммун ҳолатига боғлаб ўрганилди, бу соҳада республикамиз олимлари А. А. Асқаров, Э. И. Отахонов, Н. И. Исмоилов, Э. Й. Қосимов ва бошқаларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этди. К. А. Зуфаров раҳбарлигида меъда-ичак йўлини электрон микроскопда ўрганиш ишлари олиб борилди ва бу соҳа бўйича ноёб атлас яратилди.

Бўқоқнинг эпидемиологияси, клиникаси, Давоси ва олдини олиш ҳамда биокимёси соҳасида катта тадқиқотлар олиб борилди (С.А. Масумов, Ё. Ҳ. Тўракулов ва бошқа(лар)). Кейинги вақтда назарий ва экспериментал тиббиётнинг асосий фанларидан бири – патологик физиология соҳасида, чунончи унинг овқат ҳазм қилиш аъзолари, моддалар алмашинуви патологияси ва аллергология бўлимлари бўйича илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор тадқиқотлар олиб борилди (Н. Ҳ. Абдуллаев, Ҳ. Ё. Каримов, М. М. Ҳақбердиев).

Ўзбекистонда хирургия мактабининг ривожланишига С. А. Масумов, Ҳ. Ғ. Ғофуров, В.В. Воҳидов, Ў. О. Орипов, С. М. Аъзамхўжаев, М. А. Ашрапова, Р. М. Нурмуҳамедов, Ш. И. Каримов ва бошқа(лар) катта ҳисса қўшишни. Умумий хирургия билан бир қаторда унинг тармоқлари: нейрохирургия, ортопедия ва травматология (Н. М. Шоматов, О. Ш. Шокиров, М. Ҳ. Қриев, Ш. Ш. Ҳамраев ва бошқа(лар)), урология (О. М. Мухторов ва бошқа(лар)), болалар хирургияси (К. Ҳ. Тоҳиров, А. С. Сулаймонов); болалар юқумли касалликлари (Ш. Ҳ. Хўжаев, О. С. Маҳмудов, Т. О. Даминов) бўйича ҳам ўтказилган илмий изланишлар яхши самаралар берди. Республикада оториноларингология фани Қ. Ж. Мираззов ва бошқа(лар) томонидан анча тараққий эттирилди. Кўз касалликларини аниқлаш ва даволаш масалалари (М. К. Комилов), нафас аъзоларининг профилактикаси, ташхиси ва даво усуллари тааллуқли янгиликлар қўлга киритилди (А. М. Убайдуллаев, Н. Ҳ. Шомирзаев). Гематология ва қон қуйиш соҳаларида камчиликларни барвақт аниқлаш, самарали даволашда, компонент гемотерапияни жорий этиш бўйича ҳам муҳим илмий текшириш ишлари ўтказилди (Х. А. Ҳакимов, С. М. Баҳромов ва бошқа(лар)). Нафас, ҳазм ва юрак-томир тизими касалликларини рентгенологик усул билан аниқлаш масалалари ёритиб берилди (Ж. М. Абдурасулов, Ж. Н. Маҳсумов, А. Р. Мансуров, Ш. Мирғаниев). Нерв тизимининг инфекция ва томир касалликларига оид тадқиқотлар ўтказилди (А. Р. Раҳимжонов, Х. Қ. Салоҳидднов, Н. М. Мажидов). Психиатрлар пеллагра ва қутуриш касалликларида психиканинг бузилишини, шунингдек, психозларни даволаш масалаларини ўрганишди (Х. Олимов). Ревматизм ва подагра касалликларининг қай тарзда кечиши, буларнинг олдини олиш, даволаш (Р. А. Қорабоева, Т. С. Солиев) жорий этилди. Дермто-венерологларнинг самарали ишлари юмшоқ шанкрни тугатиш, захм, дерматомикозлар билан касалланишни камайтиришга имкон берди (А. А. Ақовбян, У. М. Мираҳмедов, Р. А. Капкаев). Курортологлар маҳаллий курорт ресурсларини ўрганишди.

Республикамизда фармакология фанининг тезлик билан ривожланиши натижасида 40 дан зиёд янги дорилар яратилди ва тиббиёт амалиётига татбиқ этилди (И. К. Комилов, У. Б. Зокиров ва бошқа(лар)). Тиббиётнинг асосий тармоқларидан бири – ташқи муҳитни ўрганиш, аҳоли яшайдиган жойларни соғломлаштириш, санитария-гигиена шароитини яхшилаш, шахсий ва овқатланиш гигиенаси соҳасида ҳам кўп ишлар қилинди (А. З. Зоҳидов, Ғ. М. Маҳкамов, Б. Х. Маъзумов, Т. И. Искандаров).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида кўплаб илмий тадқиқот институтлари, тиббиёт олий ўқув юртлири, жумладан, Тошкент фармацевтика институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти бор, уларда 3000 га яқин илмий ходим, шу жумладан, 2000 фан номзоди ва 250 дан зиёд фан доктори ишлаб турибди.

### **Назорат саволлари.**

1. Ўзбекистонда илмий-тадқиқот институтлари таъсис этилиши.
2. Ўзбекистон Сил илмий текшириш институтида эришилган ютуқлар.
3. Ўзбекистон илимининг юрак-томир тизимида, организмдаги моддалар алмашинувида ва жигар хасталикларига таъсири ўрганиш натижалари.
4. Иссиқ иқлимнинг организмнинг физиологик жараёнига таъсирини аниқлаш.
5. Гастроэнтерология масалаларини текшириш ишлари.
6. Бўқоқнинг эпидемиологияси, клиникаси, давоси ва олдини олиш ҳамда биокимёси соҳасидаги тадқиқотлар.
7. Патологик физиология соҳасидаги илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар.
8. Ўзбекистонда хирургия мактабининг ривожланиши.
9. Кўз касалликларини аниқлаш ва даволаш масалалари.
10. Нафас аъзоларининг профилактикаси, ташхиси ва даво усулларига тааллуқли янгиликлар.
11. Гематология ва қон қуйиш соҳаларида камчиликларни барвақт аниқлаш, самарали даволашда, компонент гемотерапияни жорий этиш бўйича ҳам муҳим илмий текшириш ишлари.
12. Ревматизм ва подагра касалликларини ўрганиш ишлари.
13. Республикамикда фармакология фанининг ривожланиши.

### **Адабиётлар.**

1. Абдуллаев А.А.История развития медицины Хорезма /Диссертация на соискание ученой степени доктора медицинских наук Москва-1971 г. 431 с.
2. Абу Али Ибн Сина Канон медицинской науки в 5 книгах // Тошкент «Фан» 1979-1982гг. 3. Абу Али Хуссейн Ибн Абдуллах Ибн Сина (Авиценна) Годы юности. Из автобиографии (перевод)// Огонек 1952 г.№33 стр. 4 – 5.

3. Здоровье населения и здравоохранение в Республике Узбекистан// Статистические сборники - Тошкент.1993; 2013 гг. 257с.
4. Кадыров А.А. История медицины Узбекистана - Тошкент.: ИПО Ибн Сины 1994.-223с.
5. Махмудова Н. М. «История развития внутренней медицины в Узбекистане» из - во «Фан» Тошкент, 1969 г.

### **3-мавзу.**

#### **Фундаментал фанлар ва фундаментал тиббиёт.**

Режа:

Фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг роли ва мақоми.

Илмий тадқиқотлар таснифи

Асосий стратегик илмий тадқиқотлар.

Илмий тадқиқотларни молиялаштириш истиқболлари.

**Калит сўзлар:** фундаментал, асосийваамалийфанлар, тиббиётфанлари, инновациялар, ижтимоий-иқтисодийривожланиш.

#### **Фундаментал фанлар ва фундаментал тадқиқотлар мақоми.**

Кенгқабулқилингантушунчагакўра,

баъзида«тоза»ёкиасосийдебаталадиган фундаментал фанлар– бусистематикилмийтадқиқотларфеноменларнингасосийжиҳатларинианиқлашватушунишгақаратилганбилимсоҳаларидир. Уларназарий, контсептуалғояларникенгайтиришгаваמודдийоламнингномаълумобъектив мавжудқонунлари, хусусиятлариваҳодисалариниўрнатишгахизматқилади.

БирлашганМиллатларташкilotинингтаълим, фанвамаданиятмасалаларибўйичаихтисослаштирилганташкilotи– ЮНЕСКО (United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization, UNESCO) томонидананиқланишича, фундаменталтадқиқотлармақомитабиатқонунлариникашф этишга, ҳодисалар,

хусусиятларвареалҳақиқатобъектлариўртасидагиўзаромуносабатларнитушунишгаёрдамберадигантадқиқотларгаберилади.

Шубиланбирга, асосийтадқиқотларўз ичига илм-фанватехнологиянингбарчасоҳалариниоладивауларниамалгаоширишдаамалийдастурларёкимуайянқуниймаҳсулотларрежалаштирилмайди.

Именно фундаментальные исследования закладывают основу для усовершенствования знаний, которые значительно позднее приводят к прикладным достижениям, иногда в результате неожиданных открытий.

Асосийфанларданфарқлиўларок, амалийтадқиқотлармуайянмуаммониўрганишгаёкиолинганбилимларниамалийқўллашгақаратилган. Фундаменталфанмасалаларига тадқиқотнатижаларинитезвамажбурийҳолда амалийфойдаланиш тааллуқли эмас, асосиймуаммоларниҳалқилишжараёнидаамалиймуаммоларниҳалқилишнинг

гянгиимкониятлариваусуллари юзага келади. Айнан фундаментал тадқиқотлар билимларнинг такомиллашишига асос бўлади, улар кейинчалик, кўпинча кутилмаган кашфиётлар сабабли амалий ютуқларга олиб келади.

Фанбўйича халқарокенгашнинг (International Council for Science, ICSU) 2004 йил декабр ойи ҳисоботида, фундаментал фан, инновация вараивожланиш бир бири билан жуда яқин боғланган, бу фундаментал тадқиқотларни давлат томонидан адекват молиялаштириш зарурлигини қайд қилишган. Бугунгикунда фақатамалий тадқиқотлар давлат инвестицияларининг энгяхши даромадинитаъминлай олмаслиги, ва фундаментал фанларга йўналтирилган узоқ муддатли молиявий инвестициялар ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши негизини ташкил қилиши умум қабул қилинган. Шунинг учун ҳам етарли илмий салоҳиятга эга ва уни ривожлантиришни кўзда тутган мамлакат рентабелли бўлмаган ёки маълум бир вақт ўтиб рентабелликка олиб келадиган фундаментал тадқиқотларни кўллаб-қувватлашга ва ривожлантиришга интилишади.

«Фундаментал тадқиқотлар»нинг яна бир муҳим хусусияти АҚШ Милли йхавфсизлик Қарори 189-Директиваси (NSDD 189) томонидан мустаҳкамланган формулировкада қайд этилган, унга кўра, фундаментал тадқиқотлар сирасига « натижалари эркин нашр этиладиган ва илмий жамоатчилик доирасида кенг тарқатиладиган фан ва технология соҳасида фундаментал ва ёки амалий тадқиқотлар» киради. Фундаментал тадқиқот сифатида таснифланиши учун тадқиқот бепул амалга оширилиши ва олинган натижалардан фойдаланиш ёки уларни тарқатиш учун чеклашлар бўлмаслиги зарур.

Амалий ва асосий фан илмий тадқиқотлар ва ишланмаларда ўзаро ҳам барчаси боғлиқ бўлишига қарамасдан, амалий фанлар кўпинча муҳандислик сифатида, асосий фанлар эса – фундаментал ёки «соф» фан сифатида талқин қилинади.

Илм-фан, шунингдек, фундаментал, махсус ва амалий тоифаларга бўлинади. Фундаментал фанлар кўпгина гуманитар ва табиий фанларнинг асосий тамойилларини ўз чиига олади, сабаби илмий билимнинг ушбу шакллари умумлаштириш тизимларига таянади, аммо анъанага кўра фундаментал фанлар табиий фанларга тенглаштирилади. Умумий тушунчага асосан, асосий фанлар доирасига биология, физиология, кимё, геология ва ҳатто библикага йўналтирилган (когнитив) фанлар тааллуқли.

### **Тиббиёт фанлари ва инновацион технологиялар**

Одатда, амалий ишланмалар асосий тадқиқотларнинг мантиқий давоми бўлиб, уларга нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга. Аммо таъкидлаш жоизки, асосий ва амалий тадқиқотлар ўртасида гидемаркация чизиғи аниқ белгиланмаган. Ҳақиқатда эса улар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Кўпгина илмий тадқиқотлар янги авлод билимларининггибриди ҳисобланади

ва кейинчалик уларни ишлатишга хизмат қилади. Тиббиёт учун бу узвий боғланиш анчагина кучли ифодаланган, ва ҳозирда ишлатилаётган “фундаментал тиббиёт” тушунчаси бунга мисолдир.

Бугунгикунда, тиббиётни ўз ичига олган амалий фан касаллик оқибатига таъсир қилувчи ёки қандайдир ҳодисани ўзгартирувчи янги техноогиялар ёки ускуналар ёрдамида янги терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш учун асосий фанни “қисман” қўллайди.

Леки асосий фанни «ишлатиш» нимани аниқлатади? Янги билимларни яратиш ёки янги назарияларни ривожлантиришни ўз ичига олган асосий илмий тадқиқотлар натижаларини муайян клиник вазиятлар учун беvos итафойдаланилмайди. Шундай қилиб, тиббиётда тиббиёт учун олимлар томонидан олибборилган «қисман» асосий тадқиқотлар оддий фундаментал билимларнинг қисмларини тортди болишни эмас, балки фундаментал фанларнинг бир хил асосий мезони – ҳақиқатни излашгари ояқилган ҳолда ишланмаларни амалга оширишнинг назардату тади. Бошқача қилиб айтганда, улар «асосий» бўлиб қолади, аммо илмий гуруҳларнинг вазифалари тиббиётнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш билан чегараланиб, муайян қонуниятларни топиш ва тушуниш, патогенез, диагностика, олдини олиш ва муайян касалликларни даволаш билан боғлиқ бўлган ҳодисаларнинг асосий жиҳатларини аниқлаш учун тора йиб боради.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organization for Economic Cooperation and Development, OECD) фундаментал тадқиқотларни, асосан, маълум бир қўллаш шароитларини ҳисобга олмаган ҳолда ҳодиса негизини ташкил қилувчи янги билимларни олиш учун амалга оширилаётган жараён деб аниқлайди. Бироқ, OECD фикрига кўра, фундаментал тадқиқотлар биринчи навбатда амалий яқуний мақсаднинг фундаментал негизларини тушунишга йўналтирилган стратегик тадқиқотлар бошқа асосий тадқиқотлардан фарқ қилиши керак. Шу фикрнинг ҳисобга олган ҳолда, фундаментал тадқиқотларни стратегик асосий тадқиқотлар тоифасига киритиш мумкин.

Канаданинг Миллий илмий-тадқиқот кенгаши таъкидлашича, битта фанга оид фундаментал тадқиқотлар бошқа соҳаларда амалий тадқиқотлар сифатида қаралиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бир соҳадаги асосий кашфиётлар бошқа соҳада мавжуд бўлган билимларнинг амалий иловалари бўлиши мумкин; ва амалда, асосий тадқиқотлар бу ишни амалга ошириш вақтида кўздатутилмаган кўплаб муҳим иловаларни яратишга олиб келди. Асосий тадқиқотларнинг ортиқча баҳоланмайдиган икки муҳим жиҳати шундаки, кўпчилик иловаларни олдиндан кўра билиш мумкин эмас ва асосий кашфиёт ва унинг ҳақиқий қўлланилиши ўртасидаги давр кўпинча а инвесторлар томонидан кенг қўлланиладиган мезонлардан анчагина катта.

Илмий тадқиқотларнинг инновацияларнинг асосий таркибий қисми ва замонавий жамиятни ривожлантиришнинг калитидир. Фундаментал тадқиқотлар ўз натижаларини амалий қўллашга йўналтирилмаган бўлса-да, натижаларнинг

бозорга чиқиши учун ўнлаб йиллар керак бўлса ҳамкўпгина амалий ватифжоратмаҳсулотлари фундаментал тадқиқотлар натижаларидир. Асосий фанларнинг муваффақиятларига асосланган янги билимларни ишлаб чиқармасдан йирик инновациларни амалга ошириш мумкин эмас; фундаментал тадқиқотлар секинлашганда келажакдаги инновациялар учун йўллар тўсилиши содир бўлади.

Шунинг учун амалий дастурларга алоҳида эътибор қаратиш қискамуддатда фойда келтиришим мумкин, ammo фундаментал тадқиқотларни эътиборсиз қолдириш узокмуддатли истиқболда катта йўқотишларга олиб келади. Аксарияти китисодчилар, инвестицияларнинг келажакдаги даромадидан ташқари, фан ва жамият орасидаги боғлиқликни мустаҳкамловчи фундаментал тадқиқотларнинг ижобий ижтимоий оқибатларини таъкидлашади.

Баъзида фундаментал фан шошилиш эҳтиёжларни қондириш мақсадида уни амалий тадқиқотлар билан алмаштириб қўйиш имконияти бўлган керак сизҳаша матсифатида қабул қилинади.

Сиёсатшуносларнинг олимларга бўлган муносабатини ўзгартириш ва асосий тадқиқотларни амалий тадқиқотлардан ажратмаслик зарурлиги таъкидланади: «фундаментал тадқиқотлардаги тараққиёт кўпинча саноат томонидан қўйилган мураккаб муаммоларни ҳал қилиш зарурати билан қўллаб-қувватланиши кераклигини тушуниш керак; ва аксинча: энг муҳим амалий масалаларни ҳал қилишда чуқур фундаментал тадқиқотлар техник тараққиётга ҳисса қўшади. Илм-фан йўлларини тушуниш ва жамиятни ривожлантиришда унинг стратегик роли, унинг саломатлиги ва ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги кескин ўзгариши керак.

фойдаланиб олинган қимматли маълумотлар, баъзи моддаларнинг жойлашуви ҳамда турли функция бажарилаётганда шу моддаларнинг ўзгариши махсус реактивлар билан аниқланади. хужайра структурасининг ўзгаришини баъзи оптик микроскопда аниқлаб бўлмайди, чунки бундай ўзгаришлар субмикроскопик (яъни оптик микроскопда кўриш мумкин бўлган чегарадан ташқарида) бўлади. Ажрим қилувчи имконияти оптик микроскопни кинга нисбатан каттароқ бўлган электрон микроскоп бундай ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради (электрон микроскоп тасвирини 100 000 - 2000000 марта катталаштиради). Мушак қисқарган вақтда мушак хужайрасида, асаб охири асаб импульсини нервланувчи аъзога ўтказилаётганда шу асаб охирида рўй берувчи субмикроскопик ўзгаришларни электрон микроскопда кузатиш мумкин бўлади. ҳар қандай физиологик функция хужайра структурасининг ўзгаришига чамбарчас боғлиқ деган тасаввур гистокимёвий ва электронмикроскопик текширишлар оқибатида тасдиқланади. Структуранинг ўзгаришлари қайтар, яъни тез тикланадиган бўлади. Айрим ҳоллардагина улар қайтмас ўзгаришларга учраши мумкин. Мисол учун секреция (яъни хужайрадан турли моддалар чиқиши)нинг икки тури мавжудлигини кўрсатамиз: улардан бирида хужайра муайян моддаларни чиқарганига қарамай бутун қолади, иккинчиси хужайра қисман ёки бутунлай парчланади.

Организм, унинг аъзо ва хужайралари бажарадиган турли функцияларига асос бўлувчи жараёнларнинг табиатини тушуниш учун модда ва энергия алмашинувининг (миллисекундлар ва ҳатто микросекундалар ичидаги жуда кичик ўзгаришлари жуда муҳим. Бунинг боиси шуки, хужайраларнинг кўпчилик муҳим функциялари миқдор жиҳатидан жуда кичик бўлган шу жараёнларга боғлиқ. Модомики ундай экан, жуда кичик миқдордаги ва тез ўтувчи физик ва кимёвий жараёнларни аниқлашга имкон берувчи сезгир ва аниқ текшириш усуллари ишлаб чиқиш физиология учун ғоят муҳим. Одамларни янги текшириш усуллари билан қуроллантирган физика, кимё ва техниканинг замонавий мувоффақиятларидан фойдаланиш физиологияга шу жиҳатдан жуда кўп янгилик берди. Масалан, хароратни ўлчашда электрон усулларнинг сезгирлигини ошириб, асаб толасидан бир асаб импульси ўтаётганда қанча иссиқлик ҳосил бўлиши аниқланади; бунда харорат атиги 2.1060 (1 градуснинг икки млндан бир бўлаги) дан ортади. Асаб импльусларининг ўтиши моддалар алмашинувининг оз бўлсада кучайишига боғлиқ эканлиги шу тариқа кўрсатиб берилди. Электрон кучайтириш ва осциллографларнинг қўлланилиши туфайли асаб толалари ва уларнинг охирида микровольтларга тенг келадиган электрон потенциаллари фарқини ўлчаш ва шу йўл билан организм тўқималарига баъзи асабларнинг таъсир этиш механизмини аниқлаш мумкин бўлади, кимёвий бирикмаларнинг структурасини аниқлаш имконини яратади, бунинг натижасида организмдаги хужайра ва тўқималарнинг ўзаро кимёвий таъсирини чуқурроқ тушуниш мумкин бўлди. Организм функциялари

кимёвий ва физикавий жараёнларнинг ўзаро боғлиқ бўлган мураккаб мажмуаси, бирлигидан иборат.

Организмда физиологик реакцияларнинг бошқарилиши. Организмда функцияларнинг бошқарилиши, юқорида айтилгандек, ҳар қандай тирик организм ўз-ўзини бошқарадиган, ҳар хил таъсирларга бир бутун бўлиб реакция кўрсатадиган тизим эканлиги унинг характерли хусусиятидир. Организмдаги ҳамма хужайра, тўқима, аъзолар ва уларнинг тизимлари ўзаро таъсир этиши туфайли, уларда рўй берувчи барча жараёнлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирига тобе бўлгани туфайли организм шундай тизим бўлиб қолади. Организмда бир хужайра ўзгариши билан бошқа хужайра-ралар ўзгармасдан қолмайди. ҳар қандай аъзо функциясининг ўзгариши бошқа аъзолар фаолиятини ҳам бир қадар ўзгартиради. Аъзоларнинг шундай ўзаро таъсири уларнинг функционал тизимлари доирасида айниқса яққол кўринади. Биргалашиб ишлаб организмнинг муайян муҳит шароитига мосланишини таъминлайдиган аъзолар шундай тизимни ҳосил қилади.

Организм функциялари ва реакцияларининг ўзаро боғланганлиги организм бирлиги ва бир бутанлиги - функцияларни бошқарадиган ва уйғунлаштирадиган икки механизм (бошқарув ва коррелляция механизмлари) борлигидан келиб чиқади. Булардан бири - гуморал, ёки кимёвий механизм филогенетик жиҳатдан энг қадимги бўлиб, турли хужайра ва аъзоларда модда алмашинув жараёнида кимёвий табиати ва физиологик таъсири жиҳатидан ҳар хил бирикмалар - парчаланиш ва синтезланиш маҳсулотлари вужудга келади. Шу моддалардан баъзилари физиологик таъсири жиҳатидан жуда фаол бўлади, яъни жуда кичик концентрациялари ҳам организм функцияларини анча ўзгартира олади. Улар тўқима суюқчилигига, сўнгра қонга ўтиб, у билан бутун организмга тарқалади ва ўзи ҳосил бўлган жойдан узокдаги хужайра ва тўқималарга таъсир кўрсата олади. қонда айланиб юрадиган кимёвий моддалар ҳамма хужайраларга таъсир этаверади, яъни, кимёвий таъсирланувчиларнинг тайинли манзили йўқ. Аммо улар турли хужайраларга бир хилда таъсир этмайди: баъзи хужайралар бир хил кимёвий таъсирловчиларга, бошқа хужайралар эса иккинчи хил кимёвий таъсирловчиларга кўпроқ сезгир бўлади. хужайралар кимёвий таъсирловчиларга танлаб сезиш хусусиятига эга бўлади. Турли кимёвий таъсирловчилар модда алмашинуви жараёнлари занжирининг турли сохаларига қўшилиб, турлича таъсир кўрсатади.

Ички секреция безлари (эндокрин безлар) рўёбга чиқарадиган гормонлар томонидан бошқарилув фаолиятлар кимёвий бошқарувинг жузъий бир кўринишидир.

Организм функцияларин бошқарадиган иккинчи механизм филогенетик жиҳатдан ёшроқ, яъни тирик мавжудотлар эволюциясида кейинроқ ривожланган бўлиб, асаб механизми деб аталади. У тирик хужайра, тўқима ва аъзолар фаолиятини бирлаштириб, уйғунлаштириб, бошқариб, уни организм яшайдиган ташқи шароитга мослаштиради. Баъзи хужайра, аъзолар ҳолати ва фаолиятининг ўзгариши асаб тизими орқали рефлекс йўли билан бошқа хужайра, аъзолар фаолиятини ўзгартиради.

Бошқарилувнинг асаб механизми мукамалроқ, чунки, биринчидан, хужайралар гуморал - кимёвий йўлдан кўра асаб тизими орқали тез ўзаро таъсир этади, иккинчидан, асаб импульслари ҳамиша муайян манзилни «назарда тутати» (импульслар нейрон ўсиқлари орқали фақат муайян хужайраларга ёки уларнинг тўдаларига боради).

Асаб бошқаруви хужайралар фаолиятининг ўзгаришида, уларни доимо бир ҳолатда тутишида ва тинч ҳолатдаги модда алмашинув интенсивлигининг ўзгаришида намоён бўлади. Модда алмашинув асаб тизимининг таъсир этиши унинг махсус трофик функцияси борлигини ифодалайди.

Бошқаришнинг иккала механизми ўзаро боғлиқ. Организмда ҳосил бўладиган ҳар хил кимёвий бирикмалар нерв хужайраларига ҳам таъсир этиб, уларнинг ҳолатини ўзгартиради. Маслан, ички секреция безлари ишлаб чиқарадиган гормонлар асаб тизимига таъсир этади. Иккинчи томондан, гуморал бошқаруви билан ўзи асаб тизимига бир қадар бўйсунади. Масалан, аксари гармонлар асаб тизимининг назорати таъсирида ишланиб чиқади. Шу туфайли асаб тизими асаб импульсларини юбориш йўли билан бир қанча аъзолар функциясига бевосита таъсир кўрсатиш билангина чекланиб қолмайди, балки организм хужайраларида гуморал - кимёвий таъсирловчилар орқали ҳам аъзолар функциясига таъсир кўрсатади.

Асаб тизимининг фаолияти ва аъзо хужайраларининг ўзаро кимёвий таъсири физиологик функцияларнинг ўз-ўзидан бошқарилишини таъминлайди, организмнинг шу энг муҳим хусусияти борлигидан организм яшаши учун зарур шароит автоматик равишда (ўз-ўзидан) сақланади. Ташқи муҳитдаги ёки организмнинг ички муҳитидаги ҳар қандай ўзгариш шу организмнинг фаолиятига сабаб бўлади, бунинг оқибатида гомеостаз тикланади, яъни организм яшайдиан муҳит шароитининг доимий даражаси тикланади. Организм қанча кўп ривожланган бўлса, унда функцияларнинг ўз-ўзидан бошқарилиши ана шанчалик кўп ривожланган бўлади, гомеостаз ўшанча мукамал ва барқарор бўлади.

Бошқариладиган жараён билан бошқариладиган тизим ўртасида қайтар алоқа борлиги учунгина функциялар ўз-ўзидан бошқарилиши мумкин. қайтар алоқаларни кўрсатиб берадиган мисолларни жуда кўп келтириш мумкин, аммо биз фақат икки мисол билан қифояланамиз. Биринчи мисол: оралиқ миянинг нерв марказлари буйрак усти безларининг пўстлоғидан гормонлар (минералокортикоидлар) ишланиб чиқишини ўзгартириб, натрий алмашинувини бошқаради, шунга кўра қондаги натрий миқдори доим бир даражада туради. Натрий миқдорининг ўзгариши буйрак усти безларининг пўстлоғидан гормонлар чиқишини кўпайтирадиган ёки камайтирадиган асаб марказларининг ҳолатини ўзгартиргани учунгина қондаги натрий миқдори доим бир даражада туради. Иккинчи мисол: мушак ўзига марказий асаб тизими (МАТ) дан келадиган импульслар таъсирида қисқаради. Мушакнинг ҳар қандай қисқариши натижасида эса мушаклардан асаб марказларига импульслар

келади, бу импульслар қисқариш жараёнининг интенсивлиги ҳақида ахборот олиб келади ва асаб марказларининг фаолиятини ўзгартиради.

Фармакология [юн. pharmakon – дори ва логия] – тиббий-биологик фан; одам ва ҳайвонлар организмига дорилар юборилгандан кейин уларда рўй берадиган ўзгаришларни ўрганади. Фармакология бир неча йўналишларни ўз ичига олади: фармакодинамика – Дори-дармонларнинг организмга таъсирини, фармакокинетика – дорилар организмга тушгандан то организмдан чиқиб кетгунча бўлган ҳаракатини (сўрилиши, тақсимланиши, биотрансформацияси ва экскрецияси), биокимёвий фармакология – дориларнинг организмдаги молекуляр таъсир механизмини ўрганади. Дори-дармонларнинг тиббиёт амалиётидаги таъсирини ўрганиш эса клиник фармакологиянинг вазифасидир.

Умумий ва хусусий фармакология ажратилади. Умумий фармакология дориларнинг организмга таъсир механизмини, шу туфайли келиб чиқадиган умумий ўзгаришларни, дори моддаларини организмга юбориш, уларнинг сўрилиши, тақсимланиши, ўзгариши ва организмдан чиқиш жараёнларини, дори моддаларининг хусусиятига таъсир этувчи шароитларни, дори моддаларининг таъсир ва даволаш турларини, уларни бирга қўлланганда рўй берадиган жараёнларни ҳамда уларнинг стандартлаш, таснифлаш ва кидириш каби жуда кўп муаммоли масалаларини ўрганади.

Хусусий фармакологиянинг вазифаси – асосий таъсир кучига кўра системалашган дори моддалар, яъни оғриқсизлантирувчи, сийдик ҳайдовчи ва ҳ. к. ни ўрганиш. Шунингдек, турли хил микроорганизм ва паразитларга таъсир этувчи дорилар ҳам хусусий фармакологияда қайд этилади. Хусусий фармакология фармацевтик кимё, фармацевтик технология, фармакогнозия, биокимёвий фармакология, кимётерапия, токсикология ва бошқа(лар) фанлар билан узвий боғлиқ. Шу туфайли тиббиётнинг асосий назарий билимлари фармакология орқали амалий тиббиётга татбиқ этилади.

Фармакология тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади, чунки инсон яратилгандан бошлаб у табиат қўйнида яшаб ўзининг турли хил нохуш ҳолатлари ва касалликларига атрофидаги гиёҳладан, ҳайвонот олаmidан шифо, дори-дармон излаган. Фармакология ривожланишига қад. араб, юнон ва Осиё мамлакатлари олимлари ҳам катта ҳисса қўшганлар. Хусусан, Гиппократ, Диоскаринд, Гален ва бошқа(лар)нинг доривор гиёҳлар ҳамда уларнинг ишлатилиши ҳақидаги маълумотлари 19-а. гача фармакология соҳасида асосий қўлланма бўлиб келган.

Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Синоларнинг доривор гиёҳлар ва моддалар ҳақидаги асарлари фармакология тараққиётига муҳим туртки бўлди. Ибн Синонинг «Тибб қонунлари» асарида қайд этилган 811 хил оддий дориларнинг 612 таси доривор ўсимликлар ва улардан фойдаланиш усулларига бағишланган. Ушбу асар шу кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.



19-а. га кадар фармакология, асосан, эмпирик тарзда ривожланган. Шу даврга келиб экспериментал фармакология шаклланди. Бунда Ф. Мажанди, Клод Бенар, Р. Бухгейм, И. П. Павлов, В. В. Закусов, М. Д. Машковский ва бошқа(лар) жаҳон олимларининг катта ҳиссалари бор.

Ўзбекистонда Ф. 1920 й. Тошкентда Туркистон давлат ун-ти тиббиёт ф-ти қошида Ф. кафедрасини ташкил этилиши туфайли риволанди. Кейинчалик республиканинг турли шаҳарларидаги тиббиёт ин-тлари қошидаги Ф. кафедраларида, Ўзбекистон ФА нинг илмий текшириш институтларида Ф. фани янада ривожлантрилди. Ўзбек фармакологларидан, проф. И. К. Камиллов, М. Б. Султонов, Ў. Б. Зокиров, Қ. Н. Нажмиддинов, С. С. Азизова ва бошқа(лар)нинг изланишлари натижасида доривор ўсимликлар ва кимёвий-биологик фаол моддалардан 200 дан ортиқ шифобахш моддалар ажратиб олинди, уларнинг 30 дан ортиғи клиник текширулардан ўтказилиб, тиббиёт амалиётига татбиқ этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида Доривор моддалар ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш ҳамда стандартлаш бўйича Бош бошқарма ҳамда улар таркибида фармакология ва фармакопоя кўмиталарининг тузилиши муносабати билан Ф. фани янада раванқ топди. Қисқа муддат ичида 20 дан ортиқ шифобахш ўсимликлар ва 10 дан ортиқ янги биологик фаол препаратлар (пирацин, купир, фентриазолин, кобавит, фенсулқал, мумиё таблеткаси, навбахтин, бензкетозон ва бошқа(лар)) тиббиётда қўллаш учун тавсия этилди.

#### **Адабиётлар:**

1. Клиническая фармакология, под ред. В.Г. Кукеса, М.1991 г.
2. Основы клинической фармакологии и рациональной фармакотерапии, М.2002 г.
3. Харкевич Д.А.Азизова С.С., Махсумов М.Н. ва бошқаларнинг «Фармакология» уқув адабиётлари
4. Лепяхин В.К. и др. «Клиническая фармакология», М. 1988 г.
5. Маматов Ю ва бошқалар «Клиническая фармакология», Т.2002 й.

## VII. КЕЙСЛАР БАНКИ

### **Муаммоли вазият**

Чап ўпканинг илдизи соҳасида жойлашган ўсма касаллигида беморнинг аҳволи ёмонлашганлиги туфайли товушнинг буғилиши (хириллаш) пайдо бўлди.

### **Топшириқлар:**

1. Бу аломатни анатомик асосланг.
2. Чап ўпка илдизи синтопиясини айтиб беринг.

### **Муаммоли вазият**

Бемор И. ЛОР булимига юқори ҳарорат билан оғир аҳволда, чап томонлама ўткир этмоидит ташхиси билан ётқизилди. Бир неча кундан сўнг, ўтказилган операцияга қарамасдан, чап кўз косасида флегмона ривожланди.

### **Топшириқлар:**

1. Инфекция қандай йўл билан орбитага тарқалганлигини тушунтириб беринг.
2. қайси тузилмалар зарарланган?

### **Муаммоли вазият**

Флегмоноз ангина ўтказган боланинг жағ ости соҳасида шиш, қизариш ва оғриқ пайдо бўлди, шу соҳа пальпациясида флюктуация аниқланди.

### **Топшириқ:**

1. Ушбу асоратни анатомик асослаб беринг.

### **Муаммоли вазият**

Поликлиникага чап чов-ёнбош соҳасида ва чап ёрғоқда бўртиқ борлиги туфайли бемор мурожаат этди. Текшириш пайтида бу бўртиқ чап чов каналида ва ёрғоқ ичидалиги аниқланди. Бемор ётганда бу бўртиқ ҳажми камайди.

### **Топшириқ:**

1. Қандай ташхис қўйилади?

### **Муаммоли вазият**

16 ёшли бемор энгагидан зарб еган. У энгак соҳасидаги оғриққа, овқатни тишлаб узишда қийналаётганлигига шикоят қилади. Кўрикда. буғим бошчаларининг ҳаракати бир хилда, оғзи эркин очилади, аммо бунда пастки марказий курак тишлар орасида ўрта чизик бўйлаб ёриқ пайдо бўлади.

### **Топшириқ:**

1. Пастки жағ суягининг бундай синишида нима сабабдан унинг синиқлари силжимади?

### **Муаммоли вазият**

Пастки трахеостомия операциясида оператив йўл очилаётган вақтда беморда кучли қорамтир тусдаги қон кетиши содир бўлди.

**Топшириқлар:**

1. Қон кетиш сабаби?
2. Қайси томирдан қон кетаяпти?

**Муаммоли вазият**

Бемор муваффақиятсиз қилинган ўмров ости венаси пункцияси туфайли елкага, билакка ва қўл панжасига тарқалаётган оғриққа шикоят қилади.

**Топшириқ:**

1. Бу муолажанинг қандай асорат берганлигини анатомик жиҳатдан изоҳланг.

**Муаммоли вазият**

Терапия булимидан жарроҳлик булимига миокард инфарктини ўтказган 74 ёшли бемор ўтказилди. Бир неча кун олдин қоринда ўткир оғриқлар безовта қила бошлаган. Ҳозирда перитонит касаллигининг клиникаси мавжуд. Операция пайтида тушувчи ва сигмасимон чамбар ичак гангренаги топилди.

**Топшириқ:**

1. Қайси томирларда қон келиши бузилган?

**Муаммоли вазият**

Операция вақтида беморда ўнг буйракнинг пастки қутбида жойлашган флегмона очилди. Бу флегмона қоринпарда орти соҳасининг қайси қисмида жойлашган бўлиши мумкин?

**Топшириқ:**

1. Бу қисм нималар билан чегараланган?

**Муаммоли вазият**

34 ёшли беморда қийшиқ чов чуррасини операция қилиш пайтида чурра халтаси кесиб очилганда маълум бўлдики, мойк халта тўқималари билан уч томонлама қопланган бўлиб, чурра халтасида ётгандек жойлашган.

**Топшириқлар:**

1. Чурранинг турини, унинг анатомик хусусиятларини айтинг.
2. Мойк қаватларини (қобикларини) санаб беринг.

**Муаммоли вазият**

Ўнг томонлама сурункали йирингли мастоидитли беморнинг ўнг тўш-ўмров-сурғичсимон мускули соҳасида шиш, қизариш ва оғриқ пайдо бўлди.

**Топшириқ:**

1. Ушбу асоратни анатомик асослаб беринг.

**Муаммоли вазият**

Бемор бир неча кундан бери пневмония касаллигидан даволанаяпти. Охирги пайтда беморнинг аҳволи ёмонлашди. Назорат рентгенографиясида плевра бўшлиғида суюқлик кўринди.

**Топшириқлар:**

1. Беморда қандай асорат борлигини тахмин қилиш мумкин?
2. Қайси анатомик тузилмаларда суюқлик йиғилган бўлиши мумкин?

**Муаммоли вазият**

40 ёшли бемор ўнг бел соҳасининг санчилган-кесилган жароҳати билан олиб келинди. Жароҳат XII қовурға остида умуртқани тикловчи мускулнинг ташқи қирғоғида жойлашган.

**Топшириқ:**

1. Қайси ички аъзолар жароҳатланган бўлиши мумкин?

**Муаммоли вазият**

Автомобил авариясидан шикастланган жабрланувчи келтирилди. Рентген пленкасида тосдаги қов суягининг синганлиги ва сийдик пуфагининг олдинги девори жароҳатланганлиги кўринди.

**Топшириқ:**

1. Сийдик ва гематома қаерга тарқалади?

**Муаммоли вазият**

40 ёшли беморнинг чап кўз косасига пичоқдан жароҳат етган. Кўз соққаси бутун бўлсада, кўриш ўша заҳотиёқ бутунлай йўқолган.

**Топшириқ:**

1. Қандай тузилмалар шикастланган бўлиши мумкин ва унинг кўз косасида пайдо бўлиш йўли?

**Муаммоли вазият**

70 ёшли беморда сариклик пайдо бўлди. Текширувлар натижасида ошқозон ости безининг ўсма касаллиги аниқланди.

**Топшириқлар:**

1. Бу ўсма қайси анатомик тузилмаларни эзган?
2. Ўсма ошқозон ости безининг қайси қисмида жойлашган?

**Муаммоли вазият**

Пичоқнинг жароҳати чапдаги 3-қовурға оралиғи бўйлаб плевра бўшлиғига ўтувчи бемор келтирилди. Катта гемоторакс белгилари мавжуд, жароҳат канали олдиндан орқага, юқоридан пастга ва бирмунча ичкарига йўналган.

**Топшириқ:** Қайси анатомик тузилмаларнинг жароҳатланганлиги тахмин қилиниши мумкин, жарроҳ тактикаси?

**Амалий топшириқлар**

**Амалий машғулот:** Тиббий биологик фанлар муаммолари бўйича хорижий давлатлардаги ютуқлар.

Ишдан мақсад – Тиббий биологик фанлар муаммолари бўйича хорижий давлатлардаги ютуқлар билан таништиришда машғулот жараёнида замонавий техник воситаларидан фойдаланишга ўргатиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

**Ишни бажариш учун намуна**

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади. Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким фаол, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.

2. Муҳокама қилиш –3 минут.

3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.

4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.

5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

**Амалий машғулот:** Табиий ва сунъий, лаборатор ва ишлаб чиқариш экспериментлари. Маълумотларни қайта ишлаш усуллари. Далилларга асосланган тиббий текширувлар моҳияти.

Ишдан мақсад – табиий ва сунъий, лаборатор ва ишлаб чиқариш экспериментлари, маълумотларни қайта ишлаш усуллари, далилларга асосланган тиббий текширувлар моҳияти масалалари бўйича илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

**Ишни бажариш учун намуна.** Ўқитувчи тингловчиларнинг 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади. Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш.
2. Муҳокама қилиш.
3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш.
4. Презентация (такдимот) қилиш.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

## VIII. МУСТАҚИЛТАЪЛИММАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланишасосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мазкур модул бўйича тингловчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда *қуйидаги шакллардан* фойдаланиш мумкин:

- модул мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- семинар машғулотларига тайёргарлик кўриб бориш;
- белгиланган мавзулар бўйича ишланмалар тайёрлаш;
- тестлар ечиш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш бўйича кейслар ечиш;
- мунозарали саволлар ва топшириқларга тайёргарлик кўриш;
- кўргазмали воситалар тайёрлаш;
- ахборот ресурс марказида белгиланган мавзулар бўйича назарий, амалий ва статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва муайян тизимга солиш;
- белгиланган мавзулар бўйича замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тақдимот материаллари тайёрлаш.

### Мустақилтаълиммавзулари

1. Тиббий-биологик фанлари мавзуларини ўргатишда самарали инновацион ўқитиш усуллари.
2. Талабаларда креативлик хусусиятларини шакллантириш услублари.
3. Дизайн-лойihalash услубини амалий машғулотларда қўллаш афзалликлари.
4. Артериал қон томирлар функционал анатомияси ўрганишда инновацион технологияларни қўллаш аҳамияти.
5. Буйрак тузилиши ва функционал анатомиясини ўрганишда интерфаол ўйинлардан фойдаланишнинг аҳмияти.
6. Жигар, меъда ости беzi аъзоларининг тараққиёти ва тузилишини модул тизимида замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўрганиш.

7. Жинсий аъзоларининг функционал анатомиясини ўқитишда янги педагогик технологияни қўлаш аҳамияти.
8. Карбонсувлар. Моно-, ди- ва полисахаридлар мавзуларини ўргатишда замонавий педагогик технологиялар.
9. Кўз олмаси функционал анатомиясини модул тизимида ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологиялар қўллашнинг аҳамияти.
10. Кўкрак ва қорин аортасининг Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.
11. Липидлар. Совунланадиган ва совунланмайдиган липидлар мавзуларини ўргатишда янги педагогик технологиялар қўлланилиш муаммолари.
12. Меъда ичак тизимини ўқитишда масофавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.
13. Модул тизимида таълим беришни ўпкаларда газ алмашинуви жараёнига бағишланган мавзуда қўлашнинг аҳамияти.
14. Нафас аъзоларининг анатомиясини бошқа тиббий-биологик фанлар билан интеграллаштирган ҳолда ўқитишнинг аҳамияти:
15. Организм иннервациясининг умумий қонуниятлари ўрганишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.
16. Суяклар тузилиши ва биомеханикасини ўрганишда хорижий илғор технологиялар афзалликларининг қиёсий таҳлили.
17. Таянч-ҳаракат тизимининг функционал анатомиясини ўргатишда тиббий биологик фанларнинг интеграл маърузалари аҳамияти
18. Тиббий-биологик модулида биотехнология ўрни.
19. Тиббий-биологик модулида нанотехнология ўрни.
20. Тиббий-биологик фанларини интеграл ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти
21. Тиббий-биологик фанларини интеграл ўқитишнинг аҳамияти ва афзалликлари.
22. Тиббий-биологик фанларини ўқитишда масофавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масалалари.
23. Юрак-қон томир тизимини ўқитишда хорижий давлатлар тажрибаларини модулли ўқитиштаълим тизимига тадбиқ этиш масаласи.



## IX. ГЛОССАРИЙ

Агрегат	маълум бир системани ёки унинг бўлақларини ҳосил қилувчи элементлар.
Адаптер	компютер қўшимча қурилмалари ишини бошқарувчи электрон схема
Адгезия	хужайраларнинг ўзаро бирикиши, тўқимани ҳосил қилади
Аккомодация	мослашиш, кўз қорачиғининг, гавҳарининг узоқ-яқинни кўришга мослашиши.
Акромегалия	суякларнинг (асосан найсимон) тезда қалинлашуви билан билан борадиган касаллик
Аллел	бу битта, иккита ёки бир нечта алтернатив формалардан бири.
Амалий машғулотлар методи	асосан ўзлаштирилган илмий билимларни мустақамлаш ва уни амалда қўллаш олиш, тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлиш
Антеверзио	бачадоннинг олдинга қараб букилиб жойлашиши.
Антиген	иммун хужайралар тамонидан танилиб, жавоб реакция чақирадиган молекула
Антитело	антиген билан ўзаъро алоқага кирувчи гликопротеин
Ануляр	узуксимон ёки бирор бир нарсанинг узуксимон тузилиши.
Апертура сони	буюм ва обектив орасидаги мухитнинг синдириш кўрсаткичига тўғри пропорционал катталик
Аплазия	органнинг ёки тўқиманинг ривожланишибузилиши натижасида бўлмаслиги.
Аудиометрия	ешитиш бўсағасини (ўткирлигини) аниқлаш усули
Аускултация	ешитиб кўриш орқали диагностика қилиш усули
Афферент	перифериядан марказга йўналиш, нерв толасида таъсиротнинг перифериядан марказга утказилиши (марказга интилувчи тола)
БАЛТ	bronхлар шиллиқ пардаси билан жамланган лимфоид тўқима
Ганглий	тугун, асосан, сезувчи ва вегетатив нерв толаларининг йўлида ҳосил бўлади. Тугунни нерв хужайраларининг йигиндиси ташкил қилади.

Гассал таначаси	кератин филаментлари билан тўлган,яссилашган ретикулоэпителиал хужайралардан тузилган танача
Герантология	одам организмнинг қаришини ўрганувчи фан.
Геринг найчаси	ўт каналчаси бўлакча перифериясида очиладиган найча ундан ўт бўлакчалараро найча очилади
Гетерохроматин	нофаол хромасома
Гигантизм	ўсиш гармонинг меёридан кўп ишлаб чиқарилиши натижасида келиб чиқадиган касаллик бўлиб,найсимон суякларнинг хаддан зиёд ўсиши билан характерланади
Гиперплазия	бутунбир органнинг ёки унинг маълум бир кисмининг физиологик жараёнларнинг бузилиши натижасида катталашиши.
Гипертрофия	орган ёки тўқима ҳажмининг нормага нисбатан катталашиши
Гипоплазия	Маълум бир органнинг ёки унинг бир бўлагининг ривожланиш жараёни бузилиши натижасида ҳажмининг кичрайиши.
Голография	тўлқинларнинг интерференцияси ва дифракцияси ёрдамида объектлар тасвирини ёзиб олиш қайта тиклаш усули
Гомоген зона	ациноцит митоплазманинг ядро базал мембрана оралиғида жойлашган зона
Гонадолиберин	жинсий гормонларни синтезини кучайтирувчи ГОМОН
Гонадотроп гормон	жинсий безлар фаолиятига таъсир этувчи гормон
Дастурий таъминот	ахборот тизимлари иши учун мўлжалланган дастурий воситалар мажмуаси,шунингдек,ушбу воситалар ва технологик жараёнларга тегишли жараён.
Деляминация	бластостелни бластомер хужайраларини тенг бўлиниши
Дендрит	қисқа ва шохланган ўсимта
Депрессор	маълум бир жараённи пасайтирувчи реагент ёки модда,пастга тортувчи (мимика мушаги) .

Десмин	барча силлиқ мушак хужайраларини оралик филаментларнинг асосий оқсили
Детектор	радиацион нурланишларни қайд қилувчи қурилма
Дешифратор	кўп разрядли кодни бирор чиқиш учун сигналга айлантиради;
Диаграмма	маълумотларни график тасвирлаш.
Диадалар	саркоплазматик тўр битта цистернаси ва битта найчадан иборат тузулма
Диаманетиклар	магнит майдон индукциясини озгина кучайтирувчи моддалар
Дизъюнкция	мантқий йиғинди ёки амали
Диктиосома	Голджи комплексини элементар бирлиги
Дисперсия	белги қийматларининг ўртача арифметик қиймати билан ҳосил қилган айирмаси квадрати йиғиндисининг ўртача қийматиға айтилади.
Диэлектриклар	электр тоқини ўказмайдиган моддалар
Дозиметр	нурланиш миқдорини ўлчовчи қурилма
Изоген гуруҳ	хондростит хужайраларнинг тўплами
Иммуноглобулинлар	плазматик хужайра томонидан ишланадиган оқсил молекуласи
Импликация	эргашлик
Интерферентсия	тўлқинлар қўшилиши натижасида бир-бирини кучайтириши ёки сўндириши
Информатика	тушунтириш, хабар қилиш, баён этиш.
Калмодулин	мушак бўлмаган хужайраларнинг қисқаришида иштирок этадиган калций боғловчи оқсил
Калмодулин	мушак бўлмаган хужайраларнинг қисқаришида иштирок этадиган калтсий боғловчи оқсил
Карбонгидраза	қопловчи хужайраларда кўп учрайдиган, карбон кислотани парчаловчи фермент, натижада водород ионлари ҳосил бўлади
Каталог(папка)	файллар ҳақидаги ахборотлар (файлноми, кенгайтмаси, узунлиги, сўнги тахрир вақти, ҳолати ва х. к. ) ёзиладиган дискдаги жой.
Катод	қиздирилиши натижасида электронларни буғлатувчи электрод
Кибернетика-	техник, биологик, ижтимоий ва бошқа турли

	тизимларда бошқарувнинг умумий тамойиллари хақидаги фан
Клар хужайралар	бранхиолалардаги секретор хужайлар
Когерент толқинлар	фазалар фарқи нол ёки ўзгармас бўлган тўлқинлар
Коллаген	толалар таркибидаги оксил модда
Конъюнкция	мантикий кўпайтириш
Коррозия	тўқималарнинг шикастланиши ёки бирор модда билан заҳарланиши натижасида эриб кетиши,емирилиши.
Котехаламинлар	адреналин ва норадреналин гормонлари
Кутбланган ёруғлик	аниқ бир текисликда тарқалувчи ёруғлик
Либерин	гипофиз фаолиятини кучайтирувчи гормон
Липаза	ёғлар,глитсеринларни парчаловчи фермент
Магнит майдон	ҳаракатланувчи зарядли зарралар атрофида ҳосил бўлган материянинг бир тури
Максимумлар	тўлқинлар кўшилиши натижасида бир-бирини кучайтирган жойлари
Марказлашган оптик система	Оптик марказлари битта тўғри чизик бош оптик ўқда ётувчи линзалар системаси
Медиана	танланган белгининг шундай қийматики,унинг вариантлари қийматларининг ярми ундан кичик,ярминики эса ундан катта бўлади.
Метаэпифизар тоғай	суякларнинг эпифизи ва метафизи орасидаги ўсувчи тоғайдан иборат соҳа.
Микроглия	глиал хужайранинг бир тури бўлиб,химоя вазифасини ўтайди
Микропроцессор	компютернинг “мия”си.
Миоэпителиал хужайра	охирги бўлимни ўраб турувчи қисқарувчи хужайра
Морфология	организмнинг ички ва ташқи тузилишини ўрганувчи фан.
Мукоцит	шиллик ишлаб чиқарувчи хужайра
Мултимедиа	бу инсонга ўзи учун табиий мухит: товуш,видео,графика,матнлар ва бошқалардан

воситалари	фойдаланиб,компютер билан мулоқотда бўлишга имкон берувчи техник ва дастурий воситалар мажмуидир.
Муцин	таркибида гликопротеин тутувчи модда
Нейрокраниум	калла суягининг мия қисми.
Нополяр молекулалар	зарядларнинг масса марказлари бир-бирига тушадиган диэлектрик моддалар молекулалари
Операцион тизим	қандайдир қурилмани ишлашини таъминловчи дастурлар тизими.
Оптик куч	фокус масофага тесқари бўлган катталиқ
Оссеин тола	суяқ тўқимасини тузилмаси
Панет хужайралари	Апикал цитоплазмаси ацидофил доначалар тутган ва кристаларнинг тубига жойлашган баланд кубсимон ёки цилиндрик шаклдаги хужайралар
Парамагнетиклар	магнит майдон индукциясини камгина кучайтирувчи моддалар
Пезоэлектрик эффест	механик тасирлар натижасида диэлектрикларнинг кутбланиши
Поляр молекулалар	зарядларнинг масса марказлари бир-бирига тушмайдиган диэлектрик моддалар молекулалари
Поляризатор	табиий ёруғликдан кутбланган ёруғликни ажратиб берувчи оптик қурилма
Порасома	ядро қобиғидаги махсус органоид
Радиометрлар	Радиоактив изотоплар активлигини ёки концентратсиясини ўлчовчи қурилмалар
Регенерация	тирикликнинг,узини узи тиклаш хусусияти.
Регистр	кўп разрядли кодларни сақлаш ва айрим ўзгаришларни бажаришни тامينлайди
Резонатор	бу ерда кучайтиргич
Сарколемма	қискарувчи хужайра қобиғи
Саркомер	кўндаланг тарғил мушакни элементар бирлиги
Сателлит хужайралар	базал мембрана яқинида жойлашган бир ядрога эга дуксимон хужайра
Спонтан	ўз –ўзидан ташқи таъсирларсиз
Статистика	сонлар ва уларни ўзгариш қонуниятларини

	ўрганади.
Тебранишлар фазаси	тарқалаётган тўлқиннинг аниқ вақтдаги амплитуда қиймати билан аниқланадиган ҳарактеристикаси
Терминал	охирги қисмига (чегарасига) тегишли.
Технологик харита	таълимберувчи ватаълимолувчи фаолият (ўқув жараён)и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар
Томс толалари	одонтобласт ўсимталари
Файл	матнлар ойнасидаги турли белгилар,сонлар ва харфларнинг мантиқий кетма-кетлигидир.
Ферромагнетиклар	магнит майдон индукциясини минглаб марта кучайтирувчи моддалар
Функция	махсус амалларни бажариш ёки амалнинг ўзи.
ХБС	халқаро бирликлар системаси
Хиломикрон	мураккаб липид,глитсерин ва ёғ кислоталаридан ҳосил бўлади
Хондроцит	тоғай тўқимасининг этук ҳужайраси бўлиб,изоген гуруҳини ҳосил қилади
Чизиқли най	митохондриялари базал қисмда чизиқ холида жойлашган най
Шарпей толалари	периодонталбоғламдаги коллаген толалар тутами,сементни суяк алвеоласи билан боғлайди кўприк ҳосил қилади
Энамелобластлар	эмалнинг баланд устунсимон ҳужайралари
Эндомизий	хар бир мушак толасини ўрайдиган бириктирувч тўқимали парда
Энхондрал	бўлғуси суяк шаклидаги гиалин тоғайдан иборат тузилмада суякланиш боради
Эпиболия	ҳужайраларнинг қамраб олиниши бўлиб,гаструлястияни бир тури ҳисобланади
Эпимизий	мушакни яхлит қилиб ўрайдиган бириктирувчи тўқимадан тузилган парда
Эргометр	одамнинг бажарган механик ишини ўлчовчи қурилма
Эректор	тананинг маълум бир қисмини тўғирловчи мушак.
Эстеziология	сезги азоларнинг тузилиши ва функциясини ўрганувчи фан.

Эухроматин	фаол хромасома
Ехсел	ривожланган,имконияти юқори деган маънони англатади.

## **X. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I.Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008
8. Каримов.И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. Каримов.И.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон, - 2011.
10. Каримов И.А. Она юритимизнинг бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.:Ўзбекистон, 2015.

### **II.Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018, 40-бет.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.

13. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.

14. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

### **Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947- сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4210-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5763-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПФ-5789-сонли Фармони.

### **Махсус адабиётлар**

1. Абдураимов Ш. С. Касбтаълим и тингловчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т. : - 2017. – 20 б.



2. Айзман Р. И. Проблемы подготовки преподавателя ОБЖ и пути их решения // Вестник НГПУ. - 2014. - №5. - С. 9-19.
3. Арипджанова А. Р. таълим ни ахборотлаштириш шароитида олийтаълиммуассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш. П. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. Т. :- 2017. 24 б.
4. Асадов Ю. М. Индивидуально-психологические особенности учителя как факторы развития профессионализма: Автореф. дис. ...канд. Психол. наук. – Ташкент: «НУУз»,2007. -25 с.
5. Барышева Т. А.,Жигалов Ю. А. Психолого-педагогические основы развития креативности. СПб. : 2006. - 285 с.
6. Государев И. Б. К вопросу о терминологии электронного обучения. Человек и образование. №1 (42) 2015,стр. 180-183.
7. Дунаев А. Медицинская микробиология,вирусология и иммунология. Учебник. В 2 томах. Том 1. - М. : ГЭОТАР-Медиа,2016. - 448 с.
8. Ибрагимова Г. И. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т. : - 2017. – 24 б.
9. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г. М.,Бочкова Р. В. - 2-е изд.,перераб. и доп. - М. : Дашков и К,2018. - 304 с.
10. Ишмухамедов Р. Ж.,Юлдашев М.таълимва тарбиядаинновационпедагогик технологиялар. – Т. : “Нихол” нашриёти,2013,2016. –279б.
11. Каримова В. А.,Зайнутдинова М. Б. Информационные системы. – Т. : Алоқачи,2017. - 256 стр.
12. Каримова В. А.,Зайнутдинова М. Б.,Назирова Э. Ш.,Садикова Ш. Ш. Тизимли таҳлил асослари. – Т. : Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти”,2014. –192 б.
13. Кашапова М. М.,доц. Т. Г. Киселева,доц. Т. В. Огородова. Креативность как ключевая компетентность педагога: Монография. Под ред. проф. Ярославль: ИПК «Индиго». -2013. - 392 с.
14. Креативная педагогика. Методология,теория,практика. / под. ред. Попова В. В.,Круглова Ю. Г. -3-е изд. –М. : “БИНОМ. Лаборатория знаний”,2012. –319 с.
15. Муслимов Н. А. Касб- таълим и тингловчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Дисс. п. ф. д. – Т. :2007. – 275 б.
16. Новиков,В. Е. Мотивация – ключевой фактор академической дисциплины и успеваемости студентов [Текст] / В. Е. Новиков // Фармация и общественное здоровье: сборник статей. – Екатеринбург,2011. – С. 196-198.
17. Новиков,В. Е. Нравственное воспитание в медицинском образовании в современных условиях [Текст] / В. Е. Новиков,Е. В. Пожилова,Е. И.

- Климкина // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. – 2014. – Т. 13, № 1. – С. 76-78.
18. Новиков, В. Е. Фармакология. Практикум для самостоятельной работы студентов фармацевтического факультета. Часть II [Текст]: учебно-методическое пособие для студентов / В. Е. Новиков, О. С. Левченкова, Л. А. Ковалева. – Смоленск: СГМА, 2013. – 80 с.
  19. Особенности преподавания медико-биологических дисциплин в подготовке психологов [Текст] / Л. К. Антропова, Г. Я. Двуреченская, Л. А. Козлова [и др. ] // Медицина и образование в Сибири. – 2010. – № 3. – С. 8.
  20. Панова Е. С. . Развитие креативного мышления: от проблемы инновационному решению. 10 первых шагов изобретателя. Монография. М. : Берлин: 2016. 197 с.
  21. Платонов И. А. Необходимость средств технической поддержки дидактического материала на лекции [Текст] / И. А. Платонов, В. Е. Новиков // Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – Смоленск: СГМА, 2011. – С. 15-16.
  22. Позилова Ш. Х. Олийтаълиммуассасаси ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакаоширишкурсларида креатив ўқитиш методикаси. п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. – Т. : - 2019. – 23 б.
  23. Престиж профессии врача и нравственное воспитание современного студента [Текст] / О. С. Левченкова [и др. ] // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. Специальный выпуск. Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – 2014. – С. 156-159.
  24. Структура ИКТ-компетентности учителей. Рекомендации ЮНЕСКО. - Гамбург. - 2011. URL: <http://ru.iite.unesco.org/publications/3214694>.
  25. Ҳамидов Ж. А. Бўлажак касбтаълим и тингловчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т. : - 2017. – 30 б.
  26. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари рисола. -Т.: 2017. Б. 70-71.
  27. Шарипов Ш. О., Абдурахмонова А. А. . Ўқувжараёнида ахборот-коммуникация технологияларини ишлатишда педагоглар учун ёрдамчи дастурий воситалар // Фан, таълим ва ишлабчиқариш қобилиятларини ривожлантириш: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т. : - 2017. – 24 б.
  28. Шоймардонов Т. Т. Педагог кадрлар малакасини ошириш и ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими: п. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф. - Т. : 2017. 22 с.
  29. Юсупбеков Н. Р., Алиев Р. А., Алиев Р. Р., Юсупбекова А. Н. Бошқаришнинг интеллектуал тизимларива қарор қабул қилиш. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2015. -572б.
  30. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Vook 1, 2.

31. John Tiyefenbacher, Approaches to disaster management- examining the implications of hazards, emergencies and disasters. 2011.
32. Mark A Friyend, James P Kohn, Fundamentals of Occupational Safety and Health. 2015.
33. Means, B., Toyama, Y., Murphy, R., Bakia, M., & Jones, K. (2010, September). Evaluation of Evidence-Based Practices in Online Learning: A Meta-Analysis and Review of Online Learning Studies.
34. Nataliye Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.
35. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
36. Thaler S. L. Cycles of insanity and creativity within contemplative neural systems // Medical hypotheses. – 2016. – Т. 94. – С. 138-147.
37. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing – ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

### **Интернет сайтлар**

1. [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
3. <https://ziyonet.uz/>
4. <https://meduniver.com/>
5. <https://www.udemy.com/ru/>
6. <https://www.adaptlearning.org/>
7. <https://ru.khanacademy.org/>
8. <https://codecombat.com/>
9. <https://blendedlearning.pro/>
10. <https://www.ispring.ru/>